O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 24-fevral, chorshanba ● №9 (662) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ



Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақида гапирар экан, бундай масъулиятли жараёнда оммавий ахборот воситаларининг иштирокини янада кучайтиришга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

➪ 4-бет

КИТОБ ЎҚИШ ФИКРЛАШ ДЕМАКДИР

Инсон ўқишдан тўхтаган заҳоти фикрлашдан ҳам тўхтайди, деган аксиомада жон бор. Чунки инсон мияси илм брттириш орқали камол топган. Ўқиш мияда янгидан-янги фикрлар туғилишига, гипотезалар, мулоҳазалар, хулосалар юзага келишига туртки беради.



➪ 7-бет

БЕТАКРОР КУЙЛАР СЕҲРИ

Ўзбек мусиқа санъати истиқлол йилларида композиторлик ижодининг барча жанрларида катта ютуқларни қўлга киритди. Йирик ва бадиий етук асарларнинг опера, балет ва мусиқали драма театрларида саҳналаштирилиши учун кенг йўл очилди. Эндиликда халқимиз муҳаббат қўйган асарлар нафақат экранда, балки жаҳон саҳналарида ҳам қайта-қайта намойиш этилмоқда.

➪ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Ричард Холбрукни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш ишида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари самарали асосларда янада ривожланишининг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.

Оқсаройдаги учрашувда Ричард Холбрук самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, АҚШ маъмурияти минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади. АҚШ махсус вакили Афғонистон можаросини ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг позицияси муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ 23 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Microsoft корпорациясининг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳукуматлари билан ишлаш бўйича директори Роланд Хофманн билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув чоғида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид масалалар бўйича ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи муҳокама этилди.

■ Брюсселда дунё мамлакатларининг туризм, спорт ва дам олиш имкониятлари ҳақида маълумот берувчи 52-халқаро "Salon des Vacances" сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини "Ansel Travel", "Dromen", "Djoser", "Hobo Reisen", "Terra Travel", "Kuoni", "Koningap" синтари туристик компаниялар ҳамда "Air Baltic" авиакомпанияси ваколатхонаси намойиш этди. Тадбир меҳмонларига халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти ва юртимиздаги сайёҳлик йўналишлари ҳақида маълумотлар берилди.

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР

халқаро мусобақаларда қўлга киритилаётган муваффақиятларимиз омили

Ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг қайсидир мамлакатида ўтказилган халқаро спорт мусобақаларида ёки жаҳон чемпионатларида зафар қучган ўзбекистонлик ўғил-қизлар ҳақидаги хушхабарларни эшитиб ё ўқиб, уларнинг қўлга киритаётган муваффақиятларидан кўнглимиз ғурур-ифтихорга тўлади. Улар орасида мактаб ўқувчиларининг ҳам борлиги эртанги кунимиз ишончли қўлларда эканидан далолатдир. Дунёдаги кўзга кўринган давлатлар номидан қатнашаётган минглаб спортчилар орасида ғолиб бўлиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтариш осон эмас. Ҳа, спортчи мусобақада элюрти, Ватанининг ори, номуси учун курашади. Ўзбекистоннинг номини бутун оламга яна бир бор ёйишга ҳаракат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди".



Албатта, чемпион деган номга сазовор бўлиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, одамнинг ўзида интилиш, қолаверса, давлат томонидан ғамхўрлик, юксак эътибор ва рағбат талаб этилади. Шу боис истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга ҳамда одамлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, спорт билан астойдил шуғулланишга шарт-шароитлар яратиб бериш, қишлоқ жойларида оммавий спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, болалар орасидан истеъдодлиларини танлаб олиш ва уларнинг қобилиятини янада ривожлантиришга кўмак бериш мақсадида самарали ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Мана шу эзгу ишлар қамровини кенгайтириш ва спортни оммалаштириш мақсадида Президентимиз 2002 йилнинг 24 октябрида "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонга имзо чеккан эди. Орадан икки йил ўтиб, яъни 2004 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур икки ҳужжат асосида юртимизда кенг кўламдаги хайрли ишлар амалга оширилди. Фармон ва қарорларда белгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда жойларда жамғарма томонидан ишлаб чиқилган аниқ режалар бўйича тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Чекка жойлардан истеъдодли ёшлар кашф қилиниб, уларга жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларида ўз маҳоратларини оширишлари учун қулай шароитлар яратиб берилмоқда.

Яна бир гап. Юртимизда бирор хайрли ишга киришилдими, албатта, уни йилдан-йилга такомиллаштириб бориш режалари ишлаб чиқилади. Яъни соҳадаги ишлар меъёрига етмагунича керакли чоратадбирлар кўриб борилади. Натижада янгидан-янги марралар забт этилиб, кўзланган мақсадларга эришилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси учун ажратиладиган бюджет, болалар спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари ва мусиқа ва санъат мактаблари қурилишларига доир қарори фикримизнинг исботидир.

Бугунги кунда мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши томонидан барча вазифалар ўз вақтида бажарилаётир. Жумладан, ҳомийлар томонидан йиғиладиган пул миқдори жорий йилнинг 1 январига кўра, 100 фоизга жамғарилди. Барча ҳомий ташкилотлар белгиланган йиллик режани тўлиқ бажариши натижасида миллий валютада 24 миллиард 700 миллион сўм йиғилган бўлса, шундан 17 миллиард 400 миллион сўми вилоятдаги ҳомийларга тегишли.

(Давоми 3-бетда.)

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

XXI аср ҳаёт суръатларининг шиддатли ва мураккаб кечаётгани, ахборотнинг ақл бовар қилмас даражада тез алмашинаётгани, кескин фикр алмашувлар юз бераётгани билан ҳам эътиборлидир.

Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида инсониятнинг бугунги куни юксак технологиялар асри ёки ялпи ахборотлашув замонидан кўра, глобаллашув даври деган таърифга кўпроқ мос тушишини таъкидлайди: «Глобаллашув — бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир».

Бу мураккаб жараённинг ижобий жиҳатлари сифатида интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, замонавий илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви сингари бир қатор омиллар қайд этилиб, масаланинг салбий кўриниши сифатида мафкуравий таҳдиднинг сабаб ва оқибатлари кенг таҳлил қилинади: «Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин».

Дарҳақиқат, бугун глобаллашув ҳосиласи бўлган «оммавий маданият» тушунчаси бутун дунёда маънавий хавф-хатарга айланди. Бу ҳодисанинг пайдо бўлиши хусусида турли қарашлар мавжуд. Масалан, россиялик олима Елена Смольская «оммавий маданият»ни оммавий алоқалар туфайли юзага келган деса, америкалик социолог Д.Уайт фикрича, римлик гладиаторларнинг ваҳшиёна олишувини одамлар томоша қилган пайтдаёқ бу салбий ҳолатнинг илк унсурлари намоён бўлган. Айрим социолог-аналитикларнинг нуқтаи назарича, XVII-XVIII асрларда капитализмнинг юзага келиши элита ва омма маданиятини ажратиб ташлаган.

2 »

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

Авлодлар баркамоллиги — бизнинг бахтимиз

"Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", — дейди Юртбошимиз. Мамлакатимизда ҳар томонлама комил авлодни вояга етказиш борасида олиб борилаётган узлуксиз ислоҳотларнинг замирида ҳам шу мақсад ётади. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этмоқ мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори ижроси қизғин давом этмоқда.

Республика репродуктив саломатлик маркази директори ўринбосари, олий тоифали акушер-гинеколог Феруза Раҳматуллаева ҳар томонлама бенуқсон фарзанд туғилиши ва вояга етиши учун бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳамда соғлом турмуш тарзига эришишнинг йўллари хусусида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Марказимиз 2003 йилда ташкил этилган. Вилоятларда 19 та филиали бор. Бизнинг мақсад ва вазифаларимиз кенг. Қисқача қилиб айтганда, асосий ниятимиз касалликни даволаш эмас, унинг профилактикаси, яъни олдини олиш чораларини кўришдир. Аслида ҳам шифокорларнинг 85 фоиз иши касалликнинг олдини олишга қаратилган бўлиши керак. Шундагина халқимиз хасталикка чалинмаслик йўлини билади ва ўз-ўзидан беморларнинг сони камайиб бораверади. Вазифаларимиз ҳам талайгина. Йилда бир маротаба умумий амалиёт шифокорларининг репродуктив саломатлик бўйича малакаларини ошириб борамиз. Бунда 5-10 кунлик ўқув-семинарлари ташкил этилиб, умумий амалиёт шифокорлари тиббиётдаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор этиб борилади.

Асосий вазифамиз эса халқимиз орасида репродуктив саломатлик сирларини тарғиб қилиш, нохуш ҳолатларнинг олдини олиш чораларини ўргатиб боришдир. Бунда эса республикамизда фаолият кўрсатаётган замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3165 та қишлоқ врачлик пунктларининг ҳам ўрни беқиёс.

3 »

ИНТЕРВЬЮ

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни модернизацня қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар олдидаги муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада кучайтириш борасида илгари сурилган дастурий вазифалар, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар хусусида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод ҒУЛОМОВ билан суҳбатлашдик.

— Президентимизнинг маърузасида таъкидланганидек, бугун ҳаётнинг ўзи фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда, — дейди Ш.Ғуломов. — Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг интернет тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш бу борадаги муҳим устувор вазифалардандир. Бу ишларнинг бажарилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига хизмат қилади.

4 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

√ САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

(Бошланиши 1-бетда.)

Умуман олганда, XX аср бошларига келиб радио, кино, телевидение, кўп нусхада нашр этиладиган безакли журналлар, арзон ва «ҳамёнбоп» китоблар, граммофон пластинкалари, сўнг VCD ва DVD дисклар ҳамда интернет сайтлари оммабоп материалларни бетиним ва бетизгин равишда узатиб, кенг аудиторияни эгаллаб олгани туфайли бу ҳодиса келиб чиқди. Нима бўлган тақдирда ҳам бугун башарият маънавиятига ахлоқсизлик, фикрсизлик, диднинг ўтмаслашуви хавф солмоқда. Оқибатда аксарият одамлар тафаккурдан кўра, ахборот ортидан эргашишга мойил бўлиб бораётир. «Оммавий маданият» маҳсулотлари асосан санъат намунасидан кўра, товар хусусиятига эгалиги, кенг миқёсдаги аудиторияни эгаллаганлиги, ахлоқий ва маънавий таназзулга етаклаши билан характерланади. Ўқувчи (томошабин, тингловчи) вақтини ўғирлайдиган бундай асарлар инсоний муносабатларга жўн баҳо бериши, ахлоқий меъёрларни емириши, кўнгилочар комикслар тараллабедод саргузаштлар, шаҳвоний ҳирсни қўзғайдиган кадрларга кенг ўрин ажратилиши, онг остидаги яширин бошқа шаҳвоний истакларни қўзғаши, миллий ва ирқий айирмачиликка ундаши сингари бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади.

Одатда ахлоқсизликни ахлоқ деб тарғиб этадиган «оммавий маданият» унсурлари бугун юртдошларимиз тасаввурига ҳам сезиларли маънавий хавф солмоқда.

Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилгач, одамларимиз онгида пайдо бўлган ғоявий бўшлиқ ўрнини маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» эгаллаши мумкинлигидан хавотирланиб, таъкидлайди: «Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди».

Ахлоқий бузуқлик – бу маънавиятдаги мувозанатнинг бузилиши, онгдаги ахлоқий қувват ўрнини шаҳвоний ҳирс, тафаккурни эса манқуртлик эгаллаши демакдир. Ахлоқий бузуқликнинг авж олишини муқаддас динимиз қоидалари ҳам, миллий урф-одатларимиз ҳам инкор этади. Таассуфки, бугун, «сариқ матбуот» нашрларида ҳикоя, қисса, ҳаттоки роман жанри остида пешма-пеш чоп қилинаётган савиясиз «асар»лар, интернет сайтлари, дисклар ҳамда мобиль телефонларнинг ҳожатбарор Bluetooth ва ИК-портлари орқали қўлма-қўл тарқалаётган «томошабоп» кадрлар халқимиз, айниқса ёшларимиз тарбияси учун жуда хатарлидир. Бундай маънавий хавф-хатар эса бугун пайдо бўлгани йўқ.

Ўтган асрнинг 90-йилларида халқимиз ҳаётига оммавий тарзда кириб келган видео бу жараённинг бошланиши эди. Ўша пайтлар ҳатто чекка қишлоқларда ҳам кимлардир уйини «видеохона»га айлантириб, томошабинларга асосан ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик кадрлари акс этган хорижий фильмларни намойиш қилишни тирикчилик воситасига айлантирганди. Асосан зино, ўғрилик, жиноятчининг ҳуқуқ-тартибот ходимларига қандай чап бериши сингари одамларни муқаддас қадриятларимиз ва тўғри ҳаёт кечиришга қарши қўядиган сюжетлардан иборат бундай хорижий фильмларни инкор қилишга ўшанда аксарият томошабиннинг маънавий қуввати етмади.

Тарихдан маълумки, ёғочнинг бўшини қурт еганидек, маънавий таназзул ҳам ҳамиша кичкина масаладек кўринган майда ишлардан бошланади.

Бугун глобаллашув, хусусан «оммавий маданият» ҳосиласи бўлган бир жинсли кимсаларнинг (одам дейишга тил бормайди) никоҳдан ўтаётгани, бирга яшаётгани ҳаммасидан ҳам катта фожиадир. Аянчлиси, Америка ва Европадаги айрим мамлакатларда бу фожиали ҳолатга қонунан рухсат берилаётганини бугун инсоният ҳам даҳшат, ҳам лоқайдлик, ҳам кулги билан кузатмоқда. Биргина ўтган йили ўз жинсдоши билан никоҳдан ўтишни истаётганлар ва бунга қонунан рухсат берилган ҳудудлар сони кўпайгани ҳақидаги маълумотларни ўқиб, одам тавба деб ёқасини ушлайди. Энг ачинарлиси, шундай қабоҳатнинг авж олишини демократия белгиси, деб тарғиб қилаётганлар хорижда кам эмас.

Бундай маънавий мажруҳлик эса миллий қадриятларимизга хавф солмайди, деб бепарво бўлиш, агар таъбир жоиз бўлса, ҳademай босиб тушадиган уйда бемалол ўтириш билан тенг.

Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, яқинда ана шундай «демократия» тарафдорларидан бир гуруҳи қўшни мамлакатлардан бирида йиғилиш ўтказиб, бир жинсли шахсларнинг никоҳдан ўтишига қонуний рухсат бериш кераклиги тўғрисида кўп вайсаган. Уларнинг нуқтаи назарича, Марказий Осиё мамлакатларида соғлом ақл қабул қила олмайдиган бундай фожиага қонунан рухсат берилмагани минтақамизда демократия йўқлиги, одамларнинг эса тараққиётдан орқада қолганини англатар эмиш.

Ғарбдаги айрим «донолар»нинг бундай хурмача қилиқлари атоқли адиб Эрнест Хемингуэйнинг гапини эсга солади: Ғарбнинг «бой берилган авлоди» отасига салом беришни ўргатаётган болага ўхшайди. XX аср бошларида Европа санъатида «дадаизм» номи остида пайдо бўлган оқим инсон тасаввури ва тафаккуридаги лойқаланишни бошлаб берди. Ушбу оқим тарафдорлари «Ҳеч қандай дастурга суянмаслик – дастуримиз», деган шиор остида жазавага тушиб, инсоният неча асрлардан буён улуғлаб, сайқал топтириб келган муқаддас тушунчаларни оёқости қилишга киришди. Оқибатда, бугун маънқурт авлод пайдо бўлди. Эътиборлиси, бу тубанликни байроқ қилиб кўтарганлардан бири – Тристан Тзара вақт ўтиб, барча қилмишларига пушаймон бўлади: «Ўйлашимча, ўз каламасини йўқотган одамларнинг тушкунлиги ва гумроҳлиги ҳатто тажовузкор тузумдан ҳам кўра хавфлироқдир».

«Оммавий маданият» зангга ўхшайди. Муҳофаза қилинмаса, ҳатто метин иродани, мустаҳкам эътиқодни ҳам емиради. Ахлоқий бузуқлик билан миллатни ичдан бузиш, муқаддас қадриятларимизни йўқотиш, уларнинг ўрнига манқуртликни, дидсизликни, иймонсизликни жорий қилиш замирида, аслида шунчаки эрмак, ўйин-кулгу ва кўнгил очиш билан боғлиқ «маданият» эмас, каттароқ, ёвузроқ мақсадлар, миллатни миллий ўзагидан айириб, оломонга айлантириш орқали экспансия қилиш яширинганини ҳамма ҳам, айниқса, ёшлар англаб етавермайди.

Бугун фарзандларимиз тасаввурида Алпомишу Гўрўғлидан кўра аллақандай Анпанман, Шрэк, Попай сингари ғайритабиий махлуқлар, ўқ ўтмас роботлар, охири йўқ душманни қиришга киришган автоматлар, на мақсади, на тутуруғи бўлган Гарри Поттерлар кўпроқ илдиз отаётгани аянчлидир. Қўлма-қўл ўқилаётган «кўнгилочар» газеталардаги шаҳвоний майлни қўзғашга мўлжаллаб ёзилаётган «асар»лар сийқа, бир хил шаблондан иборат: яъни, ўқишга кирмоқчи бўлиб шаҳарга келган қиз қийналади, ишга кирмоқчи бўлади, бир кимсани учратади, у ёрдам бераман деб қизни алдайди, зўрлайди, нотавон қиз йиғлайди, ўзини ўлдирмоқчи бўлади, кейин эса ёмон йўлларга кириб кетади...

Индивидуалликнинг бир қираси бўлган шахсий фикр иқтидорнинг намоён бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Одамнинг ўз нуқтаи назарига эга бўлишини қадриятларимиз ҳам қўллаб-қувватлайди. Бироқ шахсий фикрнинг борлиги бошқаларнинг фикрига ҳурматсизлик қилиш керак, дегани эмас. Қолаверса, миллатимиз азал-азалдан ёши улуғ кишини тўрга ўтқазиб, гапига қулоқ солиб, таъбир жоиз бўлса, ўзидан бир-иккита кўйлак кўпроқ йиртган кексаларнинг насиҳатига амал қилиб келган. Ғарб мамлакатларидаги одамлар психологиясида эса алоҳида фикрлаш, худбинлик, ўзгалар фикрини инкор қилиш эвазига шахсий қарашларни исботлашга уриниш кучли. Демак, «оммавий маданият»га дахлдор индивидуализм дейилганда, фақат ва фақат ўзгалар, айниқса ёши улуғлар фикрига ҳурматсизлик қилиш маъноси назарда тутилмоқда.

Яқинда бир ўқитувчи нолиб қолди: «Эй, ука, бутун бир қишлоқнинг боласига таълим бердим-у, ўзимнинг биттагина ўғлимга тўғри тарбия беролмадим. Эркин ўссин деб, доим унинг кўнглига қарадим. Биз отамиздан ҳайиқар эдик, ўғлим бўлса мени олдимда ҳам қарта ўйнайди, пиво ичади. Индамадим. Нимагаки қизиқсам, отабувам «катта бўлсанг, биласан», дерди. Мен эса демократик тарбия деб, унга ҳамма гапни айтавердим-айтавердим. Топганим – отасининг фикрини бир тийинга олмайдиган бола, йўқ, бола эмас, бало бўлди...»

Бундай аянчли мисолларни, афсуски, кўплаб келтириш мумкин.

Умумбашарий маънавият ҳамиша миллий маънавият негизида шаклланиб келган. Ўзбек маънавиятининг эса ўз тарозиси бор. Ўзбек халқи ҳамиша уятни ўлимдан қаттиқ, ор-номусни тириклик асоси деб билган ва ўз қадрини ўзгаларга бўлган ҳурмати билан бир қаторга қўйган. Миллий қадриятларимиз негизида инкордан кўра сайқалланиш, шубҳадан кўра ишонч кўпроқ улуғланади.

Глобаллашув – оломонлашув дегани эмас. Бу Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ҳам алоҳида таъкидланган. Тобора кучайиб бораётган ғоявий хавф-хатарларни мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия, бир сўз билан айтганда, маърифат билан енгиш мумкинлиги кўрсатиб берилган: «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади».

Дарҳақиқат, ҳар бир дарахтнинг ўқилдизи бўлганидек, ҳар бир миллатнинг ҳам умумбашарий маънавиятдан озиқланадиган ва ўз навбатида умуминсоний маънавиятни бойитадиган миллий қадриятлари бор. Миллийлик – бу қиёфа, қиёфасизлик эса муқаррар ҳалокатдир. Ўз шажарасини билмаган, ўзини ҳурмат қилмаган, ўзининг олдида жавобгарлик туймаган одам на ота-онасига, на оиласига ва на халқига бирор наф келтиради.

Доимо ор-номусли, иймонли, мағрур яшашни ҳаёт тамойилига айлантирган ўзбекона қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши – миллий қиёфамизни асраб қолишнинг ягона нажот йўли. Бошқача айтганда, саодатга элтувчи йўл – ўзбек феноменида асрлар оша яшаб келаётган тўғри тарбиядир.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ТАДБИР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида "Фавқулодда вазиятларга олиб келувчи хавфли жараёнларни мониторинг ва башоратлаш тадбирлари самарадорлигини ошириш чоралари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Илмий-амалий анжуман ўтказилди

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат гидрометеорология хизмати, Геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, бошқа тегишли идоралар вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда асосий эътибор вазирлик томонидан ўтган йилда бажарилган ишларнинг таҳлилига ва жорий йилдаги режалар муҳокамасига қаратилди.

Фавқулодда вазиятлар ҳақида гап кетганда, албатта, сув тошқини, зилзила, тоғ кўчиши каби табиий офатлар тушунилади. Аслида, уларнинг қамров доираси кенг. Биргина қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ернинг шўрланиши ва унумдорлигининг пасайиши, қурғоқчилик, зарарли ҳашаротларнинг экинларга жиддий зиён етказиши шулар жумласидан. Маълумки, тез орада ўлкамизга баҳор келиб, янгиланиш, яшариш фасли бошланади. Бободеҳқонлар далаларга чиқиб жорий йил ҳосили учун уруғ қадашади. Шундай экан, ризқу рўзимизга жиддий зиён етказадиган зараркунандаларга қарши курашиш, уларни бартараф этишнинг самарали усулларини топиш ҳам кун тартибида турган энг долзарб масалалар сирасига киради.

— Юртимизда чигирткаларнинг 5 тури учрайди, — деди анжуманда сўз олган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг лаборатория мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Фурқат Ғаффоров. — Улар энг зараркунанда ҳашарот сифатида ўсимликларга бемисл зарар етказиши мумкин.

Тадбирда сўзга чиққанлар вазирлик томонидан ўтган йилда республикамиздаги фавқулодда ҳодисалар юз бериш эҳтимоли кучли бўлган ҳудудларда дарё ва сойлар ўзанини тозалаш, қирғоқ ҳамда гидротехник иншоотларни мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилганини, шунингдек, 33 та сув омбори, 48 та селхона ва сел йўлларининг сув тошқинларини талафотсиз ўтказиб юборишига тайёргарлик ҳолати текшириб чиқилганини ва бу борада тегишли чоралар кўрилганини таъкидлашди.

Илмий-амалий анжуманда Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидаги мавжуд сув омборларининг заҳира тизими чуқур таҳлил қилиниб, етарлича маълумотлар олинди. Шунингдек, тоғлардаги мавжуд муз миқдори ҳамда сув заҳиралари хусусида ҳам зарур ахборотлар тингланди.

Тадбир якунида 2010 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган мониторинг ва башорат хизмати фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.



Ёш журналистлар учун ўқув-тренинг

Пойтахтимизда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ёшлар матбуот марказлари ва нашрларининг вакиллари, қолаверса, ёш журналистлар учун тўрт кунлик ўқув-тренинг ташкил этилди. "Ёшлик" талабалар шаҳарчасининг "Маънавият ва маърифат" марказида ўтказилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган журналистлар иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар Юртбошимиз раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, миллий оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини замон талаблари даражасига олиб чиқиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани ҳақида фикр билдиришди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда журналист кадрларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласи ҳам доимий эътиборда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда қабул қилинган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорида турли соҳаларда иқтидорли ва қобилиятли ёшларни аниқлаш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу каби вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида тадбир ташкилотчилари ёш журналист кадрларнинг иқтидорини янада ривожлантириш, уларнинг меҳнатларини рағбатлантириш, қолаверса, ҳуқуқий билим ва савиясини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.

Сифатли чигит — мўл ҳосил гарови

Кеғайли туманидаги "Ҳалқабод момиғи" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси ўтган йилни самарали натижалар билан якунлаганди. Бу ерда 3800 нафар ишчи ва мутахассислар ишлашади. Завод жамоаси жорий йилда дориланган сифатли уруғлик чигитни етказиб бериш учун 739 та фермер хўжалиги билан шартнома тузган.

Шу кунгача уруғлик чигитнинг 150 тоннага яқини фермер хўжаликларига етказиб берилди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Жаҳон тан берган чемпионлар маскани

Бугун республикамизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам спортга, ёшларни маънан баркамол, жисмонан соғлом тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунга жавобан, биргина Олот туманидаги спорт мактаб-интернати ўқувчилари орасидан бир қанча жаҳон чемпионлари етишиб чиққан. Масалан, дзюдо бўйича жаҳон чемпионлари Ришод Собиров, Рамзиддин Саидов, Камол Муродов, Акобир Қурбонов, Шуҳрат Ҳўжаев, Абдулла Тангриевлар ёки вобкентлик чармкўлқоп устаси Аббос Атаев, декабрь ойида Россия Федерациясининг Кисловодск шаҳрида ўтказилган қўл жанги бўйича жаҳон чемпиони Илҳом Саидовлар шулар жумласидандир. Бундай алпларни тайёрлаган Рустам Тўраев, Собир Қурбонов, Комилжон Шукуров, Убай Мукаррамов, Шуҳрат Ҳўжаев каби спорт мураббийлари бугун ҳам ёшларга бераётган ўгити ва тарбияси билан бу маскан мавқеини янада юксалтириш ниятидалар.

— Ҳар гал халқаро мусобақаларда мамлакатимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганида, юртимда менинг зафаримни кутиб турган юртдошларимизни кўз олдимдан ўтказардим. Шу сабаб муддатидан олдин ғолиб деган номга бир неча маротаба муяссар бўлганман. Бугун эса ўзим бўлажак жаҳон чемпионларини тайёрлаяпман, — дейди каратэ бўйича 4-ДАН қора белбоғ соҳиби, 4 карра жаҳон чемпиони Комилжон Шукуров.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бош бошқармаси бирлашган касаба уюшмаси раёсат қарори асосида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида беш йиллик ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди. Жумладан, Тошкент иқтисодиёт коллежида ўтказилган йиғилишда касаба уюшма раислигига номзодни танлаш қийин кечмади. Сабаби, ўтган ўқув йилига нисбатан бу йил таълим-тарбияда кўрсаткичлар яхши томонга ўзгарган.

Коллеж жамоаси 2008-2009 ўқув йилини янги таъмирланган бинода бошлади. Айни пайтда 39 та синф хонаси, 1 та ёпиқ спорт зали, 1 та стадион, 1 тадан волейбол ва баскетбол майдони, кимё-биология, физика лабораториялари, компьютер хоналари ҳамда фоллар зали талабалар ихтиёрига берилган.

Йиғилишда сўз олган аксарият ўқитувчилар ўқувчилар ўртасида иқтидорлилар кўплигини, агар улар рағбатлантирилса, коллеж янада юқори ўринга кўтарилишини алоҳида таъкидланди.

— 49 нафар кам таъминланган оила фарзандларига уюшма маблағидан мурувват кўрсатилди, 6 нафар имконияти чекланган ҳамда 2 нафар боқувчисини йўқотган ўқувчига уюшма ва коллеж маъмурияти томонидан ёрдам берилди, — дейди коллеж касаба уюшмаси раиси Зебо Абдуқодирова.

Насиба НАЗАРОВА,
Тошкент иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси.

"Экспресс-3" истиқболлари

Мамлакатимиз темир йўлларида йўловчи ташишни янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ижобий самара бермоқда. Йўловчи ташишни бошқариш автоматлаштирилган тизимга ўтгани ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон темир йўлларининг ахборот-коммуникация технологияларини компьютерлаштиришни ривожлантириш дастури асосида "Экспресс-3" тизими ҳам амалиётга татбиқ қилинди.

Мазкур тизим йўловчи ташишни бошқаришни автоматлаштириш истиқболини белгилаб беради. У поездларда чипта сотиш, чиптага олдиндан буюртма беришни исталган вақтда амалга ошириш имконини бериб, йўловчи ташишни тезкор бошқаришни таъминлайди. Ўз навбатида "Экспресс-3" маҳаллий йўл ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳисобга олиш, интернет тармоғи орқали чиптани олдиндан буюртма қилиш, йўловчиларга ахборот-маълумот хизматини кўрсатишда қўл келади. Шунингдек, мазкур тизим ёрдамида юк ташиш ишларини бошқариш ҳам кўзда тутилди.

Тизимда барча йўл ҳужжатларига доир ахборотни қайта ишлаш жараёнлари автоматик равишда бажарилади. Шу тариқа талаб қилувчилардан тушаётган буюртмаларни қайта ишлаш жараёни ҳам тезкор усулга ўтказилади.

Акбар АЛИЕВ

АДЛИЯ ИДОРАЛАРИДА

Бурч — эзгу масъулият

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги белгилаб қўйилган.

Адлия идоралари фаолиятида инсоннинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган зарарни қоплаш, айбдор мансабдорларга нисбатан тегишли чора кўриш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан бу борада фуқароларнинг мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, холисона ҳал этилмоқда. Хусусан, ўтган 2009 йил мобайнида бошқармага фуқаролардан 901 та мурожаат келиб тушган бўлиб, 287 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Ўрганилган 168 та шикоят тўлиқ қаноатлантирилиб, 32 та мурожаат қисман асосли деб топилди.

"Ишонч телефони"га келиб тушган 155 та мурожаатдан эса 66 таси қаноатлантирилди, 73 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда иш режаси асосида ўтказилган ўрганишлар натижасида судларга 15 миллиард 910 миллион 445 минг 190 сўмлик 854 та киритилган даъво аризасидан 89 фоизи ижобий ҳал қилинди. Қаноатлантирилган мазкур даъво аризалари бўйича суд қарорларининг 621 таси, яъни 83 фоизининг ижроси таъминланишига эришилди ҳамда бевосита мансабдор шахслардан моддий, маънавий ва бой берилган фойдани ундиришга қаратилган 9 миллион 512 минг 290 сўмлик даъво аризаларидан 42 таси қаноатлантирилди. Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан киритилган 388 та тақдимноманинг ижроси 99 фоизга таъминланиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига 483 миллион 88 минг 648 сўм маблағ қайтарилди.

Ушбу қўлланилган таъсир чораларига асосан қонунбузилишларга йўл қўйган 462 нафар масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 17 нафари ўз вазифасидан озод этилди. Маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган таклифларга асосан 90 нафар шахсга маъмурий чоралар кўрилди.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Чилонзор туманидаги "Новза" маҳалласида яшовчи фуқаро М.Саминова бошқарманинг "Ишонч телефони"га мурожаат қилиб, ўтган йилнинг октябрь ойидан буён бола парвариши учун давлат томонидан берилаадиган пулни ололмаётгани тўғрисида эътироз билдирган эди. Ушбу мурожаат ўрганилганда "Халқ банки" Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бўлими ходимининг эътиборсизлиги туфайли М.Саминова бола парвариши учун тўланадиган пулини ололмагани аниқланди. Ўрганиш натижалари бўйича киритилган тақдимномага асосан фуқаро М.Саминовага 300 000 сўм ундириб берилди, ушбу бўлим масъул ходимларига интизомий жазо чораси қўлланди.

2009 йил давомида иш режамиз ва фуқаролар шикоятларига асосан Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 529 та идора ва ташкилотда ўтказилган ўрганишлар натижасида 22627 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Масалан, "Тошкент трактор заводи" очиқ акциядорлик жамияти иш фаолияти ўрганилганда, ойлик маошлар бўйича қарздорлик мавжудлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида корхона раҳбариятига киритилган тақдимномага асосан 2678 нафар ишчи ва хизматчига 397 миллион 551 минг 910 сўм миқдоридаги ойлик маошлари тўлиқ тўлаб берилди.

Шуни айтиш мумкинки, ўтган даврда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зарур имтиёз ва кафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалий ёрдам бериш борасида адлия идоралари зиммасига катта масъулият юклатилган. Ана шундан келиб чиқиб Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан мужайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бошқармада ҳар ойда тадбиркорлик субъектлари учун "Очиқ эшиклар куни"нинг ташкил этилгани фуқароларимиз билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлади. Унда тадбиркорлик субъектларининг ютуқ ва камчиликлари, шунингдек, муаммолари муҳокама қилиниб, уларга амалий кўмак бериш тартиби жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган ариза, шикоятлар таҳлили уларнинг аксарияти маҳаллий ҳокимлик, солиқ ва банк идоралари ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози эканини кўрсатмоқда.

Шу ўринда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ҳамда қонуний чоралар кўришда "Ишонч телефонлари" муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим. Ўтган йил мобайнида "Ишонч телефонлари"га тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатлар атрофлича ўрганиб чиқилиб, қонун доирасида тегишли чоралар кўрилди.

Масалан, якка тартибдаги тадбиркор Г.Диметова 2009 йил 3 сентябрда ҳисоб рақамида мавжуд бўлган 30 миллион сўм пул маблағининг 20 миллион сўмини нақд пул тариқасида беришни сўраб, "Миллий банк"нинг Ҳамза филиалига мурожаат қилган. Бироқ банк ходимлари томонидан ўз вақтида нақд пул билан таъминланмаган. Кўрилган чоралар натижасида муаммо ҳал қилинди. Шунингдек, киритилган таклиф асосида суднинг 2009 йил 19 октябрдаги қарори билан "Миллий банк" Ҳамза филиали масъул ходими А.Пўлатовга нисбатан 67 290 сўм миқдорида маъмурий жарима белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамиятимизнинг бош мақсадидир. Фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб, ундан амалда ҳам фойдаланса, бу уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксаклигидан дарак берибгина қолмай, барчани, шу жумладан, айрим мансабдор шахсларни ҳам қонунларимизга оғишмай амал қилишга ундайди.

Хайриддин ФАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи.

ЖАРАЁН

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР

халқаро мусобақаларда қўлга киритилаётган муваффақиятларимиз омили

(Бошланиши 1-бетда.)

Бундан ташқари чет эл валютасида 1,8 млн. АҚШ доллари тўпланди. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлар томонидан болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига 4,9 миллиард сўм миқдорида ҳомийлик маблағлари ўтказилди.

Биргина 2008 йилнинг ўзида республикамиз миқёсида 186 та спорт мажмуаси бунёд этилди. Рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда спорт иншоотларининг қурилиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2009 йилда 213 та болалар спорт иншоот қурилиши ва капитал реконструкция қилиниши режалаштирилган бўлиб, шундан 186 таси спорт иншоотлари, 21 таси сузиш ҳавзалари, 6 таси мусиқа ва санъат мактаблари эди. Эътиборли томони, ушбу эзгу ишларни бажариш мақсадида жами 38 миллиард 93 миллион 200 минг сўм молиялаштирилди. Шу жумладан, жамғарманинг марказий аппаратидан 24 миллиард 624 миллион 300 минг сўм ва минтақавий филиаллардан 13 миллиард 468 миллион 900 минг сўм маблағ қурилиш ва монтаж ишларига сарфланди. Ўтган йилнинг якунига кўра, айни кунда 210 та иншоотларда қурилиш ишлари тугатилиб, улардан 46 тасида давлат қабул қилиш далолатномалари расмийлаштирилмоқда. Бундан ташқари 73 та спорт иншоотларига сунъий қоплама тўшаш ишлари ҳам якунланган.

Қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда болалар спорт иншоотларини анжомлар ва жиҳозлар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини спорт кийимлари билан таъминлаш мақсадида идоралараро ишчи гуруҳи тузилди. Уларнинг таклифига биноан 207 та спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари ва мактаб спорт заллари учун зарур спорт анжомлари рўйхати ишлаб чиқилди. Ушбу рўйхат бўйича тендер савдолари ўтказилиб, ғолиб корхоналар билан шартномалар тузилди. Шартнома асосан ўтган йили жойларга 3 миллиард 100 миллион сўмлик спорт анжомлари ва ускуналари етказиб берилди. Шунингдек, 2 миллиард 200 миллион сўмлик маблағга 40 минг комплект спорт кийимлари харид қилиниб, жамғарманинг минтақавий филиаллари орқали кам таъминланган оилаларнинг спорт билан шуғулланадиган фарзандларига етказилиб берилди.

Ўтган йилдан бошлаб, спорт иншоотларининг сифатини ошириш, у ерда шуғулланувчиларга янада қулай шарт-шароитлар яратиб бериш учун мажмуаларнинг полларига тахта ўрнига чет эл сунъий тўшама қопламаларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2009 йилда 73 та болалар спорт мажмуалари 955 500 АҚШ долларлик сунъий тўшамалар билан таъминланди.

Дарҳақиқат, қаерда кўнгилдагидек шароит яратилса, ўша ерда истеъдод эгалари улғаяди. Шу маънода бугунги кунда мактаб



ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг турли даражадаги халқаро мусобақаларда зафар қучишларига кўмак берувчи яна бир неча омиллар бор. Шулардан бири турли ўқув-йиғин машғулотлари ва мусобақаларнинг мунтазам ташкил этиб турилиши ва ёшларимизни жисмоний-руҳий тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиши ҳисобланади. Бу борада Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бир қатор ишлар қилинмоқда. Масалан, ўтган йилда фарзандларимизни 78 та республика миқёсидаги ва халқаро мусобақаларга тайёрлаш учун 11 марта ўқув-йиғин машғулотлари ўтказилди. Ушбу мусобақаларга 9674 нафар ўқувчи-ёшлар жалб этилгани диққатга моликдир. Улар ўтказилган турнирларда спортнинг волейбол, футбол, қўл тўпи, стол тенниси, кураш, бокс, академик эшкак эшиш сингари 28 тури бўйича беллашдилар. Мусобақаларни ташкил этишда жамғарма ҳисобидан жами 552 315 850 сўм маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 29 марта спорт мусобақалари ўтказилди. Шунингдек, ёз мавсумида дам олиш оромгоҳларига жалб этилмаган ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида уч босқичли "Ёз — 2009" мусобақалари ташкиллаштирилди. Уларда 1290784 нафар ёш иштирок этди. Бу кўрсаткич юртимиздаги ўқувчи-ёшлар сонига нисбатан 26 фоизни ташкил этади. Бундай мусобақалар илк бора ўтказилганда 600 000 нафар болажон қатнашган эди. Агар рақамларни таққослайдиган бўлсак, мусобақа иштирокчилари сонининг йилдан-йилга ортиб бораётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Шу билан бирга мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида "Соғломжон-полвонжон" телевизион спорт мусобақалари давлатимизнинг 11 та ҳудудида (Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Торшкент шаҳрида) ўтказилди. Унда жами 62 та мактабгача таълим муассасаларидан 960 га яқин тарбияланувчилар иштирок этишди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, жамғарма томонидан истеъдодли ёш спортчиларга, айниқса, қишлоқларимизда истиқомат қилувчи спортчи ёшларга дунёнинг Англия, Франция, Германия, Австрия, Италия, Руминия, Россия, Исроил, Малайзия, Туркия сингари ривожланган давлатларида ташкил этилаётган халқаро мусобақаларда, ўқув-йиғин машғулотларида ва спорт фестивалларида иштирок этишлари учун имконият яратилмоқда. Жумладан, ўтган йилда 581 нафар ўқувчи-ёш 48 та хорижий давлатда ташкил этилган спорт тадбирларида иштирок этган бўлса, улардан 371 нафари қишлоқларимизда яшовчи ёшлар ҳисобланади.

Албатта, қўлга киритилаётган натижалар ҳам шунга яраша бўлмоқда. Германияда 1993-1997 йилларда туғилган ёшлар ўртасидаги бўлиб ўтган дзюдо бўйича "GREIFSWALDER Hanse-Cup-2009" турнирида 14 нафар спортчимиздан 6 нафари 1-ўринни, 2 нафари 2-ўринни ва яна икки нафари 3-ўринни эгаллади. Бу кўп давлатлар спортчиларининг кўрсаткичига нисбатан анча юқоридир. Қолаверса, бадиий гимнастика бўйича Германияда ўтказилган яна бир мусобақада вакилларимиз 6 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медалларни қўлга киритишди.

Дарҳақиқат, спорт билан шуғулланиш баркамолликка етишишнинг пиллапоясидир. Юртимизда спортга, хусусан, болалар спорти ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Зотан, ҳар томонлама соғлом авлодларга Ватан истиқболини ишониб топшириш мумкин. Шунинг учун диёримизда эртамизнинг баркамол соҳибларини тарбиялаш учун барча шароитлар яратилмоқда.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЗАМОНДОШ

Шу пайтгача лоланинг ватани — Голландия ҳисобланарди. Бироқ ... Етмиш олти баҳорни қаршилаётган Олим Мирзаев узоқ изланишлардан сўнг бу ноёб гулнинг ватани Тянь-Шань (Тангри тоғи) нинг бир қисми — Ғарбий Тянь-Шань тоғлари эканини аниқлашга муваффақ бўлди.

ТАБИАТ ОШУФТАСИ

— Бизда табиий ҳолда ўсадиган лолалар ранги, тури ва нафислиги боис ғарбда жуда қимматбаҳо ҳисобланган. Шунинг учун табиатнинг бу ноёб неъмати тижорат мақсадларида у ёқларга олиб борилган ва селекция йўли билан лоланинг турли навлари Европа давлатлари, хусусан, Голландияда етиштирилган, — дейди Олим ака.

Табиат шайдоси сўзининг исботи сифатида сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий ҳам ўз ашъорларида лола гул ҳақида жуда кўп марта ёзганларини таъкидлади. Бу инсон табиатнинг ҳақиқий шайдоси бўлгани учун нафақага чиққандан бери Жаҳон банкининг Биохилма-хилликни асраш бўйича Халқаро лойиҳасининг Марказий Осиё бўлими консультанти сифатида фаолият юритиб келаяпти. Отахон билан суҳбатимиз жараёнида шунга амин бўлдимки, табиатни севиш ва ардоқлаш киши руҳиятига ижобий таъсир қилишидан ташқари инсоннинг кексайганида ҳам ёшлардек соғлом ва серғайрат бўлишига ёрдам бераркан.

Болалигиданоқ геолог бўлишни, пурвиқор тоғларга чиқишни мақсад қилган инсонни тақдир кексайганида мана шу ниятига етказганидан беҳад қувонади.

Халқ маорифи аълочиси, етук ношир Олим ака Мирзаев табиатан тиниб-тинчимас, серғайрат, ўз касбининг фидойиси. Дастлаб фаолиятини "Ўқитувчи" нашриётида мусаҳҳиҳликдан бошлаган бу инсон тез орада ўзининг ширинсўзлиги, бу касбга қалбини бахш этгани сабабли касбдошлари орасида меҳр ва хурмат қозонди. Йиллар давомида намоён этган ташкилотчилик қобилияти, берилган ҳар бир вазифага ёндашишдаги масъулияти боис кейинчалик шу нашриётнинг раҳбарлигига тайинланди ва бу лавозимда анча йил фаолият юритди. Олим Мирзаевнинг шогирдларидан бири Саидаҳмад Мирзахўжаев ўша дамларни шундай хотирлайди:

— Яхшигина тажрибага эга бўлган Олим ака "Ўқитувчи" нашриётига раҳбар этиб тайинлангач, ундаги ноширлик касбига бўлган меҳр, ташаббускорлик қисқа муддат ичида ўз самарасини берди. Соҳага доир барча долзарб янгиликларни жорий этиш, ўқув қўлланмалари ва дарсликларнинг ҳар жиҳатдан сифатли бўлишига эришиш учун тинмай изланди. Айниқса, давлат буюртмасига кўра тайёрланиши лозим бўладиган дарсликлар борасида жуда изчил меҳнат қилди. Бу ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ушбу нашриёт маҳсулотлари 1995 йилда Москва шаҳрида бўлган Халқаро китоблар кўргазмасида кумуш медаль соҳиби бўлди.

Олим ака Мирзаев ўз соҳасининг куюнчаги сифатида республика газета ва журналларида миллий маданият ва ўқув адабиётларини нашр этиш муаммолари тўғрисида икки юздан ортиқ мақолалар эълон қилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида муҳим қўлланмалардан ҳисобланадиган "Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси", "Тупроқ тўғонлари", "Агрономия асослари" каби юртимиз табиатига оид ўнлаб китоблар ҳам унинг қаламига мансубдир.

Таниқли ижодкорнинг кўп йиллик изланишлари, ҳалол меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланганини ҳам таъкидлаш жоиз. "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси", "Олий ва ўрта таълим фидойиси" каби нишонлар билан мукофотлангани фикримиз тасдиғидир.

Олим Мирзаевни табиат ошуфтаси дейишимизнинг яна бир сабаби бор. Кўплаб тенгдошлари сингари қарилик гаштини бемалол сурса ҳам бўладиган бу инсон маҳалласидаги ўзи яшайдиган кўчаларнинг четларини гулзорга айлантирган. Маҳалладошларининг айтишларича, ўтган-кетганлар бундан баҳра олишса, кўнгли ёришади. У ҳозир ўзи яшаётган Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги Чўпонота маҳалла фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси раиси ҳамдир. Бу соҳада кўпгина эзгу ишларни амалга оширишга улгурган Олим акани маҳалласидагилар жуда ҳурмат қилишади.

Гўзал НОРЧАЕВА,
журналист.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Авлодлар баркамоллиги — бизнинг бахтимиз

(Бошланиши 1-бетда.)

Шуни қувонч ва фахр билан айтишим мумкинки, Марказий Осиё бўйича фақат бизнинг юртимиздагина бирламчи бўғин, яъни энг чекка ҳудудларимиздаги ҚВПларда ҳам олий маълумотли шифокорлар ишлашмоқда. Устоз шифокорлардан бири айтганидек, қишлоқ врачлик пунктлари тиббий маданият ўчоғи вазифасини бажариши керак ва ҳозирги кунда бу вазифа муваффаққиятли адо этилмоқда.

Юртимизда ҳар ойда "Туғлш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ҳафталиги" ўтказилади. Ана шу ҳафталик доирасида пойтахтимиздаги малакали мутахассис шифокорлар вилоятларимизнинг чекка-чекка ҳудудларига бориб, у ерда яшовчи аёлларни бепул тиббий текширувдан ўтказадилар, керакли муолажаларни қиладилар. Бу ҳам давлатимизда оналар ва болалар соғлигига бўлган юксак эътиборнинг амалдаги исботидир.

Репродуктив саломатлик — кишиларда нафақат бу тизим ва унинг фаолиятига боғлиқ бирор касаллик ёки нуқсонлар йўқлиги, балки ҳар томонлама: ҳам жисмоний, ҳам ақлий, ҳам ижтимоий-иқтисодий тўкисликка эришилган ҳолатдир. Мисол учун оила аъзолари жисмоний жиҳатдан соғлом бўлишса-ю, уларда маънавий ёки ижтимоий-иқтисодий муаммолар мавжуд бўлса, бундай муҳитда ўсаётган фарзандларнинг комил бўлиб тарбияланиши қийин. Ёки аксинча, оилада маънавий, ижтимоий-иқтисодий муҳит яхши бўлиб, жисмоний жиҳатдан камчиликлар бўлса ҳам бола тўлиқ баркамолликка эриша олмайди. Шунинг учун ҳам биз асосий эътиборимизни вояга етаётган ёшларга қаратиб, уларга мустақил турмушга тайёр бўлмагунларича оила қуришга шошилмасликни маслаҳат берамиз.

— Мен ҳозирги кунда халқимиз орасида тез-тез содир бўлаётган бир ҳолатга жуда ажабланаман. Сир эмаски, аваллари мактабни битирган қизлар вояга етган ҳисобланиб, турмушга чиқариларди. Ҳозир ҳам шунга ўрганиб қолган баъзи ота-оналар фарзандлари мактабни тугаллаб, коллежга ўқишга кирдими, тамом, уни узатиш тараддудига тушиб қолишади. Ваҳоланки, энди унинг қизи ўн бир йил эмас, тўққиз йил таҳсил олди-ку! Тўққизинчи синфгача ўқиш — бу ҳали мажбурий таълим ниҳоясига етди, дегани эмас-ку! Ахир, ҳозирги кунда замон талаблари бўйича болаларимиз ўн бир йил эмас, ўн икки йил таълим олишлари керак. Демак, ота-оналар қизи коллежни тамомлаганидан сўнггина уни узатишга тараддудланишса бўлади.

Йигитлар эса керакли касб ёки ҳунар эгалари бўлиб, ўз соҳаларида фаолиятларини йўлга қўйиб, оилани ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан таъминлашга тайёр бўлганларидан сўнг оила қуришга киришганлари маъқул. Рақамлар мисолида айтадиган бўлсак, қизлар 20-22 ёшида, йигитлар эса 24-25 ёшида мустақил ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлишади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, репродуктив саломатликнинг асосий тамойилларидан бири хавфсиз ҳомиладорлик ва бехатар туғруқлардир. Бунда ҳам аёлнинг ёши алоҳида аҳамият касб этади. Яъни тиббиёт нуқтаи назаридан 20-30 ёш оралиғидаги туғруқлар хатарсиз кечади. Бу ёшда аёллар ҳам жисмоний ҳам онгли равишда она бўлишга тайёр бўлишади. Ана шу ёшда туғилган фарзандлар ҳар томонлама бенуқсон ва бақувват бўлиб вояга етишади.

Турмуш қуриш истагида бўлган ёшлар ФҲДЁ бўлимларига мурожаат қилишганида уларнинг умумий тиббий кўрикдан ўтишлари сўралади. Аммо бундан норозилар ҳам бор...

Аслида бундай талабдан иккала томон ҳам: бўлажак келин-куёв хурсанд бўлишлари керак. Чунки уларга, гарчи касал бўлмасалар ҳам, ўз саломатликларини текшириб кўришлари учун қулай имконият туғилаяпти. Қолаверса, ҳали ўзлари билмаган хасталиклар аниқланган тақдирда даволаниб, турмуш қуришса, кейинги ҳаётлари, туғилажак фарзандлари учун ҳам фойдали-ку!

Яна бир гап. Кўпчилик одамлар келин излаётганда авлодлари соғломлигини таъминлаш мақсадида унинг қандайдир касалликка чалинганчалинмагани ёки ирсий хасталиклари бор-йўқлигини суриштиришади. Сирасини айтганда, фарзанднинг қай даражада соғлом туғилиши аёлга ҳам эркакка ҳам тенг боғлиқ. Мисол учун, туғилажак болада 46 та хромосома бўлса, шунинг тенг ярми отадан, қолган ярми онадан ўтади. Шунинг учун вояга етаётган ўғил фарзандларимизнинг ҳам соғлигини, ўзини тутишини, энг муҳими, ахлоқини назорат қилиш керак.

Фарзандларимизни гиёҳвандлик, жинсий тарбиясизлик каби иллатлардан тўла ҳимоя қила олсаккина, уларни соғлом турмуш тарзига йўналтира оламиз. Шуни унутмаслик керакки, шу иллатларнинг ножўя таъсири, мудҳиш оқибати ҳақида уларга ишончли маълумотлар беришимиз ва шундай ноинсоний ҳаракатларга қарши кучли иммунитет ҳосил қилишимиз даркор.

Ўтган йили умумий кўрикдан ўтган туғиш ёшидаги аёлларнинг 64,8 фоизида камқонлик касаллиги аниқланган. Бунинг асосий сабабларидан бири халқимизнинг камқонликка жиддий хасталик сифатида қарамаслигидир. Ваҳоланки, туғиш ёшидаги аёлда учраган бу касаллик туғилажак фарзандининг соғломлиги, қолаверса, ўз саломатлиги учун ҳам хатарлидир. Қизларининг ҳомиладорлик даврида нохуш аҳволга тушмаслигини, қолаверса, туғуруқнинг хавфсиз ўтишини истаган ота-оналар, албатта, фарзандларини ўсмирлик чоғиданоқ даволатишлари лозим.

Бундан ташқари, аёлларимизда эндокрин бези хасталиклари ҳам кўп учрамоқда. Бунинг олдини олишнинг энг оддий йўли мунтазам равишда йодланган ош тузини истеъмол қилишдир. Аммо қадоғида "Йодланган ош тузи" деб ёзиб қўйилган ҳар қандай тузнинг таркибида ҳам ёд бўлавермайди. Бозор растасига қўйилган ош тузини сотиб олишдан олдин "Бир неча соат ёки кунлаб офтобда турган тузда йод мавжудмикан?" — деган табиий савол пайдо бўлмайдими? Ахир, йод қуёш нури таъсирида парчаланиб кетади-ку! Қолаверса, йодланган ош тузи экан, деб, қоплаб тузни олиб келиб, усти очиқ ҳолатда сақласак, унда ҳам керакли моддалар қолмайди-ку! Шунинг учун тавсиямиз, ош тузи харид қилганда энг аввал унинг сертификати борлигига ва яроқлилик муддатига эътибор бериш, қолаверса, салқин жойда сақланганини сотиб олиш, қоронғироқ жойда, усти ёпиқ ҳолда сақлаш ва истеъмол қилиш керак.

Болаларда эса нафас йўллари касаллиги ҳамда ўткир ичак касалликлари кўпроқ учрамоқда. Шу боис оналарга фарзандларини олти ойгача фақат она сути билан боқишларини маслаҳат бермоқдамиз. Баъзи оналар "болам чанқаб кетгандир", — деб икки ойлик фарзандига сув, ҳатто қайнатилмаган сув беришади. Бу мутлақо нотўғри. Чунки она сутининг ўзида 90 фоиз сув ва бошқа барча керакли маҳсулотлар бор.

Болаларда ўткир ичак касалликларини келтириб чиқарувчи сабаблардан бири турли сўрғичлардан фойдаланишдир. Аслида мутахассислар болаларни сўрғичларга ўргатмасликни маслаҳат беришади.

Умуман олганда, ўз соғлигига бефарқ бўлмаган кишиларнинг фарзандлари ҳам соғлом бўлади. Шу боис, аввало, ёшларимизга ўз саломатликлари ҳақида ўзлари қайғуришлари кераклиги ҳиссини тарбияламоғимиз лозим. Зотан, бугунги жисмонан бақувват, маънан етук ёшлар эртанги авлодларимизнинг ҳам ҳар томонлама саломат туғилиб, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун масъулдирлар.

Ситора ТОЖИДДИНОВА
ёзиб олди.

ОГОҲЛИК

Эҳтиёткорлик зарар қилмайди

Бектемир туманидаги хонадонлардан бирида истиқомат қилувчи фуқаро Т.Мельников кўп миқдорда тамаки чекар ва спиртли ичимликлар ичар эди. 2009 йилнинг 5 ноябрь куни ўз уйида маст ҳолатида сигарет чекканча ухлаб қолади. Тамаки чўғи полга тушади. Кейин хона тутунга, тутун алангага айланди. Ўт ўчирувчилар етиб келганларида эса жуда кеч эди...

Афсуски, айрим фуқароларнинг бефарқлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг қўпол равишда бузишлари оқибатида куйиш, тан жароҳатлари олиш ва ҳатто ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бунга юқоридаги ҳолат ҳам мисол бўла олади. Бундай аянчли ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Бектемир тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан аҳоли ўртасида ҳамда корхона ва ташкилотларда мунтазам равишда кенг қамровли тушунтириш ишлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг шу кунига қадар Бектемир туманидаги маҳаллаларда жами 69 марта учрашувлар ўтказилди. 1529 нафар фуқаро билан бўлган суҳбатларда йўриқномалар тушунтирилди, корхона ва ташкилотларда жами 75 марта учрашувлар ўтказилиб, 1650 нафар фуқаролар билан профилактик суҳбатлар олиб борилди.

Р.РАҲИМБОЕВ,
Бектемир тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, милиция капитани.

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш мамлакатимизда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқаролар эркинликларини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бунинг учун юртимизда зарур ҳуқуқий асос ва кафолатлар, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратилган. Ҳозир мамлакатимизда 1100 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар ҳамкорликда ОАВни эркинлаштириш ҳамда ривожлантиришга доир лойиҳалар, дастурлар асосида турли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари учун журналист ва техник кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ижодий ходимларнинг малака ва фаоллигини оширишга доимий эътибор қаратилаётир.

— Миллий матбуотимизнинг сифатини ошириш, уни ривожланган давлатлар оммавий ахборот воситаларидан кам бўлмаган, замонавий талаб ва мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Бу масалада давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган маърузасида аниқ вазифалар белгилаб берилган. Бунинг учун, аввало, соҳани янада ривожлантириш имконини берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида ОАВ фаолиятига доир қонунчиликни янада такомиллаштириш керак. Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит ҳамда кафолатланган ҳуқуқий асос яратилди. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида", "Реклама тўғрисида", "Ноширлик фаолияти тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Бу оммавий ахборот воситаларимизни изчил ривожлантириб бориш, жаҳон ахборот майдонида ўз муносиб ўрнини эгаллаши учун кенг имконият яратди.

Айни пайтда бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ОАВ соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд.

Маърузада оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча чора-тадбирлар туғдириш лозимлиги қайд этилган. Бу ҳақда гап кетганда, нодавлат оммавий ахборот воситалари тизимидаги матбуот нашрлари, теле ва радиостанцияларнинг фаолиятини кенгайтириш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш соҳасидаги ишлар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясига дахлдор босма нашрлар, телекомпанияларда мазкур йўналишда сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ахборотлашган жамиятда журналист кадрлар малакасини ошириш масалаларига бағишлаб конференция, форум, семинар, ўқув машғулотлари ташкил этилиб, соҳага доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг ижтимоий теле ва радиороликлар тайёрлаш ташаббуси кенг қулоч ёзди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятида янгилик бўлган бу жанрда яратилаётган асарлардан мақсад — соғлом турмуш тарзи, инсонпарварлик, меҳр-мурувват ғояларини тарғиб қилиш, умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг асрий анъана, урф-одатлари, миллий меросини асраб-авайлаш, турли иллатларга қарши кураш каби ижтимоий масалаларга жамоатчилик эътиборини қаратишдир.

Ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш ва унинг норматив ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ҳам долзарб масалалардан биридир. Мамлакатимизда тобора кенгайиб бораётган медиабозор қонуниятлари ҳар бир нашрга нисбатан катта талаблар қўймоқда. Босма ва интернет нашрларда берилаётган материалларнинг мазмуни билан бирга уларнинг ташқи кўриниши, дизайни, фотосуратлари каби жиҳатларга ҳам эътибор кучайди. Даврий матбуотда медиатехнологиялардан самарали фойдаланиш учун таҳририятларда малакали фотомухбирлар, интернет билан ишловчи мутахассислар, дизайнер, саҳифаловчиларга талаб ортиб бормоқда. Бу етарлича билим ва тажрибага эга журналист кадрлар тайёрлаш заруриятини кун тартибига қўймоқда. Бозор талабларига жавоб берадиган сифатли ва харидоргир медиа маҳсулотларни тайёрлаш учун юксак малака, билим ва иқтидорга эга мутахассисларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу йўналишда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ўзаро ҳамкорликда ахборот соҳаларига бозор механизмларни жорий этиш, журналист кадрларни ўқитиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширмоқда.

— Соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш долзарб вазифа сифатида қўйилмоқда.

— Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга бош мақсад сифатида қаралади. Шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ходимлари меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантиришга, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги фармонига биноан мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳар йили 27 июнь куни ўзларининг касб байрамини кенг нишонлаб келмоқдалар.

Миллий матбуотимиз ривожи йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган кўплаб ҳамкасбларимиз ҳар йили Президентимизнинг фармонларига биноан Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда. Соҳа ходимларини рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига уйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бу жиҳатлар журналистикамиз ривожига хизмат қилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, грант-лойиҳалар, ижтимоий дастурларда ҳам ўз ифодасини топаётир.

Бу борада журналистлар ўртасида "Олтин қалам" миллий мукофоти, "Йилнинг энг фаол журналисти", «Энг улуғ, энг азиз», "Атиргул" сингари танловларнинг ўтказилаётгани эътиборга лойиқдир. Булардан ташқари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда қатор давлат ва нодавлат ташкилотларида ҳам журналистлар учун турли номларда танловлар ташкил этилиб, ижодкорлар меҳнати рағбатлантирилмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» миллий мукофоти миллий ва халқаро журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этиши учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадларига хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбари миллий журналистикамиз ривожидаги муваффақиятлар ҳақида гапирар экан, 2009 йилда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида Ўзбекистон матбуоти бугунги кунда жаҳон ахборот майдонида ўз ўрнини топишга интилаётгани, журналистларимиз чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва баҳсларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўзининг профессионал малакасини намоён этаётгани барчамизга мамнуният етказади, дея таъкидлайди. Миллий журналистикамизга берилган бундай юксак баҳо қалам аҳлини янада куч-ғайрат ва илҳом билан ижод қилишга чорлайди. Ўз ўрнида журналистларимиз бундай эътиборга жавобан янада фаол, изланувчан ва ташаббускор бўлиши лозим. Бу ўринда журналистларимиз ўзларининг юксак фуқаролик позициясини намоён этишлари муҳимдир. Шу юрт меники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам меники, лекин ҳаётимиз, тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни ҳам бартараф этишга биринчи навбатда мен дахлдор ва масъулман, деган эзгу интилиш матбуот аҳлининг асосий бурчи бўлиши даркор.

Эркин ЗОКИРОВ суҳбатлашди.
(ЎзА)

?

1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?
2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак деб ўйлайсиз?
3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?



Норқобил ЖАЛИЛ,
"Оила ва жамият" газетаси бош муҳаррири

1. XXI аср, истаймизми-йўқми, тараққиёт, глобаллашув асри сифатида тарихга муҳрланаяпти. Албатта, бу инсоннинг кўнгил дунёси, маънавияти ўсиши, юксалишидан кўра кўпроқ техника соҳасида тинимсиз ўзгариш, янгиликлар содир бўлаверади, дегани эмас. Аксинча, "мафкура полигонлари" ҳам бўш тургани йўқ, турли хил ғоялар кураши шиддатли равишда кучаймоқда. Шу маънода айтиш мумкинки, мамлакатимизда матбуот, умуман, барча оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, тараққий эттириш ва тобора кучаяётган рақобат майдонида ўз ўрнини топиши учун барча имкониятлар, қонуний асослар яратиб берилган.

Эслайлик, бир пайтлар юртимизда нечта теле- ва радиоканал, қанча сондаги газета-журнал бор эди? Энди-чи? Мингта яқин кундалик ва босма нашрлар чоп этилаяпти. Неча ўнлаб нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Имконият, рақобат майдони кенг. Фақат амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қилган ҳолда фаолият юритсак, энг муҳими, ўз зиммамиздаги масъулият ҳиссини чуқур англаб етсаккина, жамоатчилик эътиборини қозонамиз.

Кеча бир зиёли инсон билан журналистика, матбуот соҳасига дахлдор мавзуда суҳбатлашиб қолдик. У киши бугуни кунда жуда долзарб ва айнан биз — қалам аҳлини ўйлантириб турган масала ҳақида шундай деди: "Тўғри, исталган газета дўконига қарасангиз, юзлаб номдаги газета-журналларга кўзингиз тушади. Теле- ва радиоканаллар ҳам шундан кам эмас. Лекин гап сонда эмас, аксинча, сифатда. Хўш, шуларнинг қанчасини одамлар ўқияпти, эшитаяпти, кўраяпти? Ёки бўлмаса боши-адоғи йўқ айрим серialларни бераверib, мухлисларни бездириб қўяётган телеканаллар қачон сизу бизнинг кўнглимизга йўл топади? Хориждаги енгил-елпи ҳаёт тарзи, оддий одамгарчиликка ҳам тўғри келмайдиган узундан-узоқ баҳс-тортишувларга тўла баъзи фильмлар нима беради ўзи? Ҳали кўрасиз, яна иккиуч йилдан кейин сараги саракка, пучаги пучакка сараланиб қолади. Лекин шунгача кутиб тураверсак, газетхон диди, томошабин савияси нима бўлади? Тўғри, ҳозир давр бошқа, интернет дегани катталарни айтмаса ҳам бўлади, ҳатто мактаб ўқувчисини ҳам ўзига оҳанрабодек маҳлиё қилиб қўйди. "Китоб дўконидан бирон қизиқроқ асар сотиб олдим", — десангиз, устингиздан куладиганлар ҳам бор. Шулар ҳақида бонг уриш керак".

Бу фикр-мулоҳазаларни изоҳлашнинг ўзи ортиқча эмасми?

2. Танқид ўринли ва холис бўлса, у матбуотда ҳам, жамоатчилик орасида ҳам ўз акс-садосини беради. Лекин бирёқлама, ноўрин ва айрим шахсларнинг манфаатига хизмат қилса-чи? Бу энди ҳаётимиз кўзгуси, деб аталгувчи журналистикага соя солади, касбимизга доғ туширади. Тўғри, бугун ҳаммаёқ оппоқ, теп-текис, ҳеч қандай камчилик-нуқсон йўқ, десак, ноинсофлик бўлади. Албатта, журналист ҳар доим тарозининг посангиси вазифасини бажариши керак: яъни ҳар қандай масалада ўртада, холисона муносабатда бўлиши шарт.

Яна бир оғриқли муаммо: у ҳам бўлса "Нега коллежингизда давомат яхшимас, мактабингиздан шикоят тушди бизга, текширгани келдим, бозорқўм нега жойида ўтирмайди, нарх-наво бунча баланд, ёзаман вассалом!"— дея жойларга бориб, бизнинг обрўйимизни тўкаётган "ҳамкасбларимиз" ҳам бор.

Куни кеча водийлик мухбиримиз қўнғироқ қилиб, "Туман халқ таълими бўлимида ишлайдиган опамиз пойтахтдан меҳмонлар келганини айтиб, ёнига чақирди. Борсам, қўлларида камера, бир аёл ва яна иккита бўйинбоғли эркак ўтирган экан. Опа мени четга имлаб "ҳарқалай ўзбекчилик, сўрашга иймандим, "журналистмиз" дейишди, шуларга ҳамроҳлик қилинг, деб қолди ва чой олиб келиш учун чиқиб кетди. Мен ўз исми-шарифим, қаерда ишлашимни айтиб, улардан ҳам қайси таҳририятда фаолият юритишларини, ҳужжат, сафар гувоҳномалари бор-йўқлигини секин сўрадим. Савлат тўкиб ўтирган киши менга қараб жаҳл аралаш "Нима, кўрмаяпсизми, мана камерамиз бор, қоғоз-қалам жойида, ё ишонмаяпсизми?" — деди-да, чўнтагидан зўрға оғриниброқ ҳужжатини чиқариб узатди. Ўқиб кўрсам, бундан ўн йилча аввал телевидениеда ишлаган ва аллақачон ҳалиги гувоҳноманинг амал қилиш муддати ҳам ўтиб кетган экан. Ҳайронлигимни сездирмай, бошқаларига ҳам юзландим. Бирпас куймаланишди ва ўзларича ғудурлашди-да, сўнг... жаҳл билан шошa-пиша ўринлиридан туришди-ю, ортларига қарамай жуфтакларини ростлаб қолишса бўладими? Қўлида чойнак кўтарган опахон ҳам ҳайрон "Нима бўлди, нега кетиб қолишди?"— деганча қолди..." — деди.

Минг афсуски, ЖУРНАЛИСТ деган шарафли ва масъулиятли касбни суиистеъмол қилиб юрган ана шундай кимсалар ҳам бор. Бундайлардан жуда эҳтиёт бўлиш керак. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ким бўлишимиздан қатъи назар, қаерга борсак, ким билан мулоқотда бўлсак, ўзлигимизга хиёнат қилмайлик. Ва бошқа соҳа вакиллари ҳам қандай турдаги оммавий ахборот воситаси, у радио, телевидение ёки газета-журнал ходими бўладими, албатта, расмиятчилик юзасидан эмас, оддий инсонийлик нуқтаи назаридан ҳам тегишли ҳужжатларини сўрашни, талаб қилишни ўргансинлар. Ана шундагина ўртада гина-кудурат, баҳс-тортишувга ўрин қолмайди.

3. Ҳали шу пайтгача "шукур, мен ўз фаолиятимдан қониқдим, энди..." — деган одамни учратганим йўқ.

Эл-улус дарди, манфаатига ўзимизни ҳамиша шерик, ҳамдард деб билган соҳага дахлдор эканимиздан фахрланиш билан бирга, юксак минбарлардан туриб журналист халқининг "нони қаттиқ" экани бежиз таъкидланмаганини ҳам ҳар биримиз чин юракдан ҳис қилайлик. Бу эътибор ва самимий эътироф замирида бизнинг машаққатли меҳнатимизга берилган муносиб баҳо ҳам ётибди. Шундай экан, ана шу юксак ишончга яраша ижод қилайлик.

КОНФЕРЕНЦИЯ

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Хабарингиз бор, Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақида гапирар экан, бундай масъулиятли жараёнда оммавий ахборот воситаларининг иштирокини янада кучайтиришга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Бугун жойларда ушбу масала ечимига қаратилган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Яқинда Тошкентда ана шундай тадбирлардан бири — "Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрнини янада мустаҳкамлашнинг долзарб вазифалари" мавзусидаги республика конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг вакиллари, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимларида ташкил этилган "Келажак пресс" матбуот марказларининг аъзолари иштирок этишди.

Конференцияда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузасида белгилаб берилган йўналишлар, яъни оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини медиа-маконга жорий этиш, республика ОАВнинг глобал интернет тармоғига киришини кенгайтириш, сиёсий партияларнинг матбуот органлари ишини фаоллаштириш, нодавлат ОАВнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари хусусида сўз борди.

Анжуманда сўзга чиққанлар — Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А.Ходжаев, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ў.Жўраев ва бошқалар ОАВни эркинлаштириш узоқ муддатли жараён экани боис уни тизимли, босқичмабосқич ва изчил амалга ошириш кераклигини, уларнинг базасини замон талабларига жавоб берадиган моддий-техника база билан таъминлаш, малакали журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ахборот соҳасида бозор муносабатларини ва соғлом рақобатни ривожлантириш, демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш, мустақил оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш давр талаби эканини таъкидладилар. Тадбирда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, конференцияда давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштиришда ҳамда мамлакатни модернизация қилишда оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг вазифалари, медиа-маконга илғор ахборот- коммуникация технологияларини жорий этишнинг долзарб масалалари, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Республика конференцияси доирасида газета, журнал, интернет-нашрлар ўртасида ўтказиб келинаётган "Эътироф" ижодий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов натижаларига кўра, қуйидаги газеталар: "Моҳият" — "Энг яхши ижтимоий-сиёсий газета", "Тонг юлдузи" — "Энг яхши болалар нашри", "XXI аср" — "Босма нашрнинг энг яхши дизайни учун", "Ватанпарвар" — "Йилнинг энг яхши тармоқ нашри", "Биржа" — "Йилнинг энг фаол нашри" ва "Uzbekistan today" — "Босма нашрнинг энг яхши веб-сайти" номинациялари бўйича ғолиб деб топилди.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

АКС САДО

«Муштарий баҳоси» рукни очилса...

"Газетхоннинг истагини ўрганаяпмизми?" ("Hurriyat", 2010 йил 3 февраль) мақоласини ўқиб

Журналист Ситора Тожиддинованинг ушбу мақоласини мутолаа қилиб, жуда мамнун бўлдим. Унда муҳим мавзу кўтарилган. Ушбу мақоладан руҳланиб, бир газетхон сифатида ўз фикр-мулоҳазаларимни баён қилишга жазм этдим.

Чиндан ҳам газета муштарий учун чоп этилар экан, биринчи галда унинг хоҳиш-истагини ўрганмоқ лозим. Нашрда баландпарвоз ахборотлар, жимжимадор сўзлар эмас, халқчил фикрлар, ҳамма учун керакли маълумотлар берилса, одамлар ҳам дили оғримай, жонжон деб унга обуна бўлишади, кези келганда қидириб, излаб топиб, ўқишади.

Муаллиф мақола сўнггида келтириб ўтган муштарий истакларини ўрганиш усулларидан юртимиздаги ҳар бир газета таҳририяти фойдаланса, ўйлайманки, халқ ва нашр орасидаги ишонч янада мустаҳкамланар эди.

Мақолада ана шундай усуллар рўйхатини ҳар ким иш тажрибаси ва имкониятига қараб яна давом эттириши мумкин, дейилади. Мен ҳам ўз ҳаётий тажрибамга асосланиб оддий халқнинг дилидаги гапларни ўрганишнинг айрим йўлларини айтиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, барча марказий нашрларда "Муштарий баҳоси" рукни очилса, фойдадан холи бўлмасди. Чунки ана шу рукн орқали газетхонлар ўзлари кузатиб бораётган нашрнинг ҳар бир сонидаги хато ва камчиликларини, қолаверса, ютуқларини баён қилиб боришади. Бу эса газета савиясининг янада ўсишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Иккинчидан, таҳририятдаги ҳар бир журналист ҳеч бўлмаганда ярим йилда бир марта сафарга чиқиб, Ватанимизнинг чекка-чекка ҳудудларидаги юртдошларимизнинг турмуш тарзи, ўй-фикрлари билан танишсин. Ва кўрган-билганларини газетада эълон қилсин. Ана шунда ҳар бир нашр ўқишли ва халқчил бўлади. Қолаверса, халқ ишончини оқлаган нашрнинг обунани кўпайтириш учун тарғибот-ташвиқот қилинишига ҳам ҳожат қолмайди.

Маматқул СУЛАЙМОНОВ
Боёвут тумани

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ШАРҲ

МАХФИЙ УРУШ

Дубайдаги қотиллик бўйича тахминлар ортиб бормоқда...

Фаластинда катта таъсирга эга бўлган ХАМАС ҳаракати ҳарбий қаноти асосчиларидан бири Маҳмуд ал-Мабҳуҳ жорий йилнинг январь ойида Дубайда сирли тарзда ўлдирилган эди. Бирлашган Араб Амирликлари полицияси калаванинг учини топгандек бўлди: қотилликда гумон қилинаётган шахсларга қидирув эълон қилди. Аммо бу билан халқаро майдонда катта шов-шувга айланган қотиллик бўйича овоза ва тахминлар тарқалиши тўхтагани йўқ.

ХАМАС вакили ўлдирилгани ҳақида хабар пайдо бўлиши билан дунё оммавий ахборот воситаларида қотиллик ортида Исроил махсус хизмати турган, деган тахмин илгари сурилди. Гарчи у расман тасдиқланмаган бўлмаса-да, бундай тахмин юзага келгани бежиз эмас эди. Фаластин-Исроил зиддияти давомида рақибларнинг махсус хизмат ёрдамида махфий фитналар уюштиргани олдин ҳам кузатилган. Қолаверса, Исроил матбуоти буни махсус хизматнинг душманга қарши муваффақиятли операцияси, деб баҳолади (ХАМАС вакили икки нафар Исроил ҳарбийсини ўлдирганликда айбланиб келинарди). Ушбу воқеа ўн йилдан буён Исроил жосуслик хизмати — "Моссад"га раҳбарлик қилаётган Меир Даганнинг ҳам обрўсини ошириб юборгандек бўлди. Аммо Дубай полицияси кутилмаганда қотилликка алоқадор видеоёзувларни ошкор қилиши билан кўп нарса ўзгарди...

Маълумки, ХАМАСнинг ҳарбий қанотини ташкил этишга бош-қош бўлган ал-Мабҳуҳ Исроил томонидан ашаддий террорчилардан бири, деб эълон қилинган.

2010 йилнинг 19 январида Суриядан Дубайга келган ал-Мабҳуҳ меҳмонхонадан сохта паспорт билан хона олган. Тахминларга кўра, у шу куни 21:00-21:30 оралиғида ўлдирилган. БАА полицияси раҳбари Даҳи ат-Тамим жиноятда гумон қилинаётган шахслар бир кун олдин Дубайга келиб, турли меҳмонхоналарга жойлашишганини маълум қилган.

Меҳмонхонага ўрнатилган камера тўрт нафар бақувват эркак ал-Мабҳуҳнинг хонасига кириб кетаётганини суратга олган. Озроқ ўтиб, улар меҳмонхонани шошилинч тарк этаётгани камерага тушган. Полиция қотиллар эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилгани, махсус шифрли ёзувлар орқали хабарлашганини қайд этган. Қотилликда гумон қилинаётганлар Исроилда яшаётган олти нафар Буюк Британия фуқаросининг ўғирланган ҳужжатларидан, шунингдек, Франция, Ирландия ва Германиянинг сохта паспортларидан фойдаланганлар. Паспорт билан боғлиқ ҳолат юзасидан Исроилнинг Лондон ва Дублиндаги элчилари тушунтириш бериш учун суҳбатга чақиртирилган. Юқорида номи зикр этилган Европа давлатлари сохта паспорт билан боғлиқ ҳолатдан ташвишда эканини билдирган. Видеоёзув, боз устига, қалбаки ҳужжатларнинг фош бўлиши ортидан душманга қарши муваффақиятли операция бўйича билдирилган мақтов танқидга айланди. "Моссад" раҳбари Меир Даганнинг истеъфосини талаб қилувчилар сони ортди. Таҳлилчиларга кўра, М.Даганнинг ишдан кетмаслиги аниқ, негаки, бу мазкур давлатнинг қотилликка алоқадорлигини расман тан олиши бўлар эди.

Буюртма қотиллик ёки душманни махфий равишда маҳв этиш — асрлар давомида қўлланиб келинаётган сиёсий кураш усули. Аммо халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши, дунё миқёсида ўта аниқликда ишловчи кузатув воситаларининг тарқалиши махфий суиқасдларни қийинлаштирмоқда, деб ёзади "Washington Post" газетаси. Бироқ бу усул ҳар доим ҳам ўзини оқламаган. Масалан, 1992 йили махсус хизмат "Ҳизбуллоҳ" жангари гуруҳи етакчиси Аббос Мусавий жонига қасд қилди. Операция гарчи муваффақиятли якунланган бўлса-да, Мусавийнинг ўрнига раҳбар бўлган Ҳасан Насруллоҳ ундан ҳам ақлли ва тажрибали рақиб бўлиб чиқди.

Бу каби мунозараларга қарамасдан махсус хизмат душманни йўқ қилишнинг мазкур усулига бот-бот мурожаат қилиб туради. "Guardian" газетасининг ёзишича, сўнгги икки йилда махфий хизмат "Ҳизбуллоҳ"нинг ҳарбий етакчиси, Сурия президентининг хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси ва эронлик ядро бўйича олимни маҳв этди. Барча операциялар душман давлати ҳудудида нуқсонсиз амалга оширилди. Аммо Дубай воқеасига келганда, махсус хизмат ёпиқлик козон ёпиқлигича қолишини уддалай олмади.

Жиноий ишни синчковлик билан ўрганиб чиққан Дубай полицияси 11 нафар гумондорни халқаро қидирувга берди.

Ҳозиргача икки нафар Фаластин фуқароси гумондор сифатида ҳибсга олинган. БАА полицияси хабарига кўра, ал-Мабҳуҳ ички зиддиятлар қурбони бўлган дейиш ҳам мумкин.

ДАРАКЛАР

ЖАНГЛАР ЧЎЗИЛИШИ МУМКИН



Афғонистондаги коалицион кучлар раҳбари генерал Стэнли Маккристал The Times газетасига берган интервьюсида Гилмон вилоятида толибларга қарши кураш кескин давом этаётганини таъкидлади. Унинг айтишича, жанглар бир неча ойга чўзилиши мумкин. Кейинчалик ҳарбий амалиётлар Қандаҳор вилоятида давом этади. Вилоят маркази Қандаҳор Афғонистондаги иккинчи катта шаҳар ҳисобланади. 2001 йилгача бу ерда толибларнинг қароргоҳи жойлашган эди.

Гилмондаги амалиётлар чоғида толиблар ихтиёрида бўлган Маржа шаҳри қўлга олинди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, амалиётлар пайтида бир нечта одам ҳалок бўлган. Хусусан, ҳужум пайтида бирлашган кучларнинг авиацияси томонидан ичида 33 нафар тинч аҳоли вакили ўтирган машина ўққа тутилган. Маълумотларга қараганда, уларнинг биронтаси омон қолмаган.

БЕЛЕНЕ УЧУН КРЕДИТ



Россия Болгарияга Белене АЭС қурилиши учун икки миллиард евро (2,7 миллиард доллар) кредит беришга тайёр. "Росатом" давлат корпорацияси бош директори Сергей Кириенко шундай баёнот билан чиқди.

Кириенконинг қайд этишича, АЭС қурилиши лойиҳаси бўйича жорий йилда 350-400 миллион евро, 2011 йилда эса 1-1,5 миллиард евро зарур бўлади. Кириенко мухбирларнинг "Россия қанча инвестиция ажрата олади?" — деган саволига "Қанча маблағ зарур бўлса, шунча", — деб жавоб берди.

Россиянинг «Атомстройэкспорт» компанияси Белене АЭСни қуриш бўйича 2006 йилда ўтказилган тендерда ғолиб чиққан. 2008 йилда бу ҳақда икки томонлама ҳужжат имзоланган эди.

АҚШНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ



2009 йилда Хитой Саудия Арабистони нефтини сотиб олиш бўйича биринчи марта АҚШни ортда қолдирди. The Financial Times газетасининг хабарига кўра, кейинги пайтларда Хитой Саудиядан нефть сотиб олишни икки баравар кўпайтирган ҳолда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли АҚШда нефть истеъмоли камайган. Бундан ташқари, АҚШ президенти Барак Обама мамлакатни хомашё қарамлигидан чиқариш сиёсатини олиб бормоқда.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда Саудия Арабистони кундалик нефть қазиб олиш бўйича Россиядан кейин иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Россияда бир кунда 9,9 миллион баррель, Саудия Арабистонида эса 8 миллион баррель нефть қазиб олинаяпти.

БЕСЛАНДАГИ ФОЖИА

Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида учта бола портлаш қурбони бўлди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, 9 ёшли қизалоқ портлаш вақтида ҳаётдан кўз юмган. 7 ва 10 ёшли ўғил болалар эса жароҳат олиб касалхонага ётқизилган. Уларнинг аҳволи қандайлиги ҳақида ахборт агентлиги хабарида ҳеч нарса дейилмаган.



Портлаш қандай содир бўлгани ҳозирча номаълум. Тахминларга кўра, болалар аввал қўйилган минага дуч келишган ёки топиб олинган гранатани ўйнаб, портлатиб юборишган.

БАСКЕТБОЛЧИ ФИЛЛАР

Тайваннинг Самуи оролидаги қўриқхона ходимлари олти ёшли Мали ва тўққиз ёшли Токтака номли филларга баскетбол ўйнашни ўргатишмоқда. Машқлар дастури уларни доимо яхши жисмоний ҳолатда ушлаб туришга мўлжалланган.



Баскетболни ўргатиш учун ходимлар бир неча ой роса тер тўкишди. Ҳозир эса баскетболга филларнинг ўзида қизиқиш уйғонган. Улар баскетбол тўпини хартуми билан ушлаб, орқа оёқда тик туради ва тўпни бемалол тўрга ташлайди. Қўриқхонага келган саёҳатчилар филларнинг бу ҳаракатини кўриб, ҳайратини яшира олмаяпти. Кейинги пайтларда қўриқхонага келаётган сайёҳлар сони кескин ошди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ДЕКЛАРАЦИЯ ТЎЛДИРДИНГИЗМИ?

Мамлакатимиз иқтисодиёти йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли даромадлари мунтазам ошириб бориши имконини бераётир. Бугун фуқароларимизга ўз даромадларини янада кўпайтириш учун кенг имкониятлар яратилган. Солиқ тўловчилар орасида ўриндошлик ва қўшимча шартнома асосида меҳнат қилаётганларнинг кўплиги ҳам фикримиз далилидир.

Айни кунларда мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг йиллик даромадларини декларациялаш мавсуми қизғин паллада. Ташкилот ва корхона ҳисобчилари асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган фуқаролар тўғрисида ҳудудий солиқ идораларига белгиланган шаклда маълумотлар тақдим этишмоқда. Ўз навбатида, солиқ тўловчи жисмоний шахслар жорий йилнинг 1 апрелигача, 2009 йил давомида олган жами даромадлари тўғрисида ёзма ариза билан Давлат солиқ инспекцияси идораларига ташриф буюришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига биноан, асосий иш жойидан ташқари манбалардан, хусусан, ўриндошликдан, мол-мулкини ижарага беришдан даромад олган жисмоний шахслар, шунингдек, республика ҳудудидан ташқарида даромад олган резидентлар жами йиллик даромади ҳақида декларация тақдим этадилар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан ўз аризасига кўра, энг юқори (25 фоизлик) ставкада солиқ ушлаб қолинган бўлса, жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этилмаслиги мумкин. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар ўтган йили олингани боис 2009 йилда амалда бўлган ставкаларда солиққа тортилади.

Резидент-жисмоний шахслар декларация маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқилган даромад солиғини 2010 йилнинг 1 июнигача тўлаши керак (белгиланган вақтгача бўлиб-бўлиб тўлаш ҳам мумкин). Агарда тўлов ўз муддатида амалга оширилмаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,05 фоиз устама жарима (пеня) қўшиб борилади.

Фуқаронинг асосий иш жойидан ва бошқа манбалардан олган даромадига солинган солиқ қанчалик мувофиқлигига қараб, солиқ кам ушланган бўлса, декларант томонидан яна қўшимча равишда муайян сумма тўланади. Агар даромад солиғи ортиқча ушланган бўлса, бу сумма банк орқали қайтарилади ёки солиқ тўловчининг бошқа солиқ турларидан бўлган қарзига йўналтирилади.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, давлат солиқ органларида декларация топшириши лозим бўлган фуқаролар тўғрисида маълумотлар базаси мавжуд. Шу асосда ўз вақтида декларация топширмаган фуқаролар аниқланади ва уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилади. Агар солиқ тўловчи узрли сабабларга кўра жами йиллик декларациясини ўз муддатида тақдим эта олмаган бўлса, бу ҳақда ўзи яшаб турган ҳудуддаги давлат солиқ идорасига ҳужжат тақдим этиши лозим.

Ғайрат МАНСУРОВ,
Яккасарой туман Давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахсларни декларация орқали солиққа тортиш шўъбаси бошлиғи

TURON BANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ТУРОНБАНК

ЮҚОРИ ФОИЗ ОЛИШНИ ИСТАГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА

вақтинча бўш турган маблағларни Туронбанкнинг юқори ликвидли активлари билан кафолатланган депозит сертификатларига жойлаштириш имконини беради.

Бу орқали Сиз ўз маблағларингизни юқори фоизли даромад манбаига айлантиришингиз ҳамда ушбу қимматли қоғозлардан қўшимча молиявий даромад воситаси сифатида самарали фойдаланишингиз мумкин.

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

депозит сертификатлари қуйидаги шартлар асосида таклиф этади:

Муддати	Номинал	Фоиз ставкаси %да (йиллик)
8 ойга	50 000 000	13
	100 000 000	
13 ойга	50 000 000	14
	100 000 000	
36 ойга	100 000 000	15

Қўшимча маълумотларни (+998 71) 244-12-74, 244-25-81 телефонлари ёки www.turonbank.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Ҳамкорликнинг нурафшон уфқлари

Жаҳонда рўй бераётган иқтисодий бўҳрон ўтган 2009 йил якунлари бўйича ҳатто иқтисоди анча мустаҳкам давлатлар олдига ҳам улкан ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кўндаланг қўйди. Бу соҳада анча-мунча "кўзи пишган" халқаро экспертлар иқтисоддаги бу иллат жорий йилда ҳам давом этиш эҳтимоли ҳақида башорат қилишаётир. Гарчанд халқаро иқтисодий майдондаги аҳвол бирмунча чигал бўлса-да, бу бўҳрон мамлакатимиз ижтимоий-молиявий ҳаётига деярли таъсир қилмади. 2009 йил якунлари бўйича Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий барқарорликнинг сақлаб қолингани, молиявий институтлар, хусусан, мавжуд тижорат банкларининг ўз олдига қўйилган мақсад-вазифалари уддаланғани ҳукуматимиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг ижобий самараси дейиш мумкин. Вазият, айниқса, бугунги кунда молия муассасалари, хусусан, тижорат банклари зиммасига янада залворли масъулиятни қўйишни тақозо этмоқда. Зотан, дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган халқаро иқтисодий-молиявий бўҳрондан ларзаларсиз ўтиб олиш, халқ фаровонлигини таъминлаш кўп жиҳатдан республикамиз банкларининг жорий йилдаги фаолиятига ҳам боғлиқ бўлиши шубҳасиз. Шу боис "Агробанк"нинг Сурхондарё вилояти бошқармасининг фаолияти билан қизиқдик.

Дарвоқе, бозор иқтисодиётининг бош мезонларидан бири — рақобат. Бу жараёнда, самарали молия хизматига эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунга эришишнинг биринчи талаби мижознинг ишончини қозониш, унга ҳар томонлама қулай хизмат турларини таклиф этиши керак. Бу ўринда банк мижозни эмас, мижоз банкни танлашини унутмаслик лозим. Агар ўтган 2009 йил давомида мижозлар сони 777 тага кўпайганини эътиборга олсак, "Агробанк"нинг Сурхондарё вилоят бошқармасида бу борада кўзланган мақсадга бир қадар эришилди, дейиш мумкин. Натижада 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига умумий мижозлар сони 15081 тани ташкил этиб, уларнинг 6380 таси қишлоқ хўжалиги, 754 таси бюджет ташкилотлари, 214 таси қурилиш ва савдо соҳасига тегишлидир. Шунингдек, 6132 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, 58 та саноат ҳамда транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган мижозлар айнан "Агробанк" билан молиявий ҳамкорликни давом эттириб келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар салмоғи, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатни эътиборга олсак, айнан "Агробанк" ОАТБнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида кичик бизнесни ривожлантириш, қишлоқ иқтисодий-ижтимоий инфратузилмасини кенг шакллантиришдаги иштироки бугунги давр талаби билан ҳамоҳанг дейиш мумкин.

Гап банкнинг ўз мижозини молиявий қўллаб-қувватлаши ҳақида кетар экан, ушбу молиявий ҳамкорлик банк ва мижоздан ташқари биринчи навбатда давлатга, жамиятга ҳам манфаат келтириши устувор вазифа бўлгандагина кўзланган мақсадга эришилишини айтиб ўтиш лозим. Негаки, хоҳ йирик корхона бўлсин ёхуд фермер хўжалиги, хоҳ тадбиркор, унинг иқтисодий бақувват бўлиши жамият иқтисодининг барқарорлигини ушлаб туришга, уни ривожлантиришга омил бўлади. Шуни эътиборга олган ҳолда "Агробанк"нинг Сурхондарё вилояти бошқармаси мижозларга иложи борича қулай хизмат турларини таклиф этишга ҳаракат қилмоқда. Натижада ўтган йил давомида бу соҳада бирмунча ижобий кўрсаткичларга эришди ҳам.

Деярли барча соҳаларда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига қисқа ва узоқ муддатли кредитлар, лизинг, мақсадли микрокредит хизматлари кўрсатиш ўтган йилларга нисбатан анча ўсишига эришилди. 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига банк кредит портфелининг ҳажми 94 миллиард 689 миллион сўмга баҳоланиб, ўтган йилга нисбатан 31,1 фоизга кўпайди. Унинг 71,8 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк филиаллари томонидан пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликларига 41 миллиард 622 миллион сўмлик, ғалла етиштирувчи фермерларга эса 10 миллиард 823 миллион 300 минг сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Қишлоқ хўжалигининг ривожида турли техникалар асосий ўрин эгаллашини эътиборга олиб, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2009 йил давомида 5 та "Класс доминатор" ғалла ўрадиган комбайн, 55 та "МТЗ-80", 150 та ТТЗ-80-1 русумли тракторлар, 96 та КХУ-4Б русумли культиватор, 14 та ЮТА занжирли техника, 50 та чигит экиш сеялкалари ҳамда техника воситаларига эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун жами 4 миллиард 450 миллион 500 минг сўмлик кредитлар ажратилди.

"Агробанк" ОАТБнинг вилоят бошқармаси ҳамда бўлимлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётгани боис барча молиялаш манбалари ҳисобидан берилган кредитларнинг умумий қолдиғи 2010 йил 1 январь ҳолатига 24 миллиард 300 миллион 700 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, республика Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни ривожлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан банк маблағи ҳисобидан 546 та кам таъминланган оилаларга 1 миллиард 55 миллион 500 минг сўмлик, 397 та кам таъминланган оилага нақд пулда 316 миллион 100 минг сўм микрокредитлар берилди. Ушбу маблағлар ҳисобига олинган чорва моллари бугунги кунда кам таъминланган ана шу оилаларда иқтисодий аҳволни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Маълумки, аҳоли томорқаси юртдошларимиз фаровонлигининг калити ҳисобланади. Қолаверса, бу масала ҳукуматимиз эътиборида бўлгани учун бу соҳага банк томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда вилоятдаги томорқа учун ажратилган ер майдонлари қишлоқларда яшовчилар учун асосий даромад манбаидир. Қишлоқ аҳли ана шу бойликдан самарали фойдалана олишида "Агробанк" вилоят бошқармаси уларга бир қанча қулай хизматларни таклиф қилмоқда. Хусусан, аҳоли томорқасини ривожлантиришга йўналтирилаётган имтиёзли кредитларимиз асосан сабзавотчилик, полиз маҳсулотларини кўпайтириш учун қишлоқ аҳлига анча қўл келмоқда. Чунончи, ўтган йилда вилоятдаги 679 та деҳқон, шахсий томорқа, фермер хўжаликларига 611 миллион сўм кредит ажратилди. Бунинг эвазига 63 та хўжаликда картошка ва 95 та хўжаликда кўчат етиштириб, қўшимча даромад олиш имконияти яратилди. Бундан ташқари томорқа эгалари эҳтиёжи учун минерал ўғит олишга микрокредит ҳисобидан 310 миллион 147 минг сўм миқдоридаги кредит маблағи ажратилди. Биз жорий йилда, айниқса, аҳолининг ўз томорқасини янада ривожлантириши учун кредит ажратишни режалаштирган.

Яна бир гап. Ўзбек аёлларининг имкониятлари, айниқса уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги ютуқларини ҳар қанча таърифласак кам. Ушбу молия муассаса ҳамиша ана шундай фидойи тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаб келган ва бу анъанани бундан кейин ҳам давом эттирилади. Ана шу мақсадда 2009 йил давомида банк томонидан 459 нафар тадбиркор аёлга 1 миллиард 687 миллион 800 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратди. Улар орасида, айниқса, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани мақтовга арзигулик. Эътибор қилсак, бундай ишнинг бошини тутган тадбиркор аёлларимиз нафақат шу соҳани ривожлантириш, балки йўқолиб бораётган миллий анъаналаримизни тиклаш, халқимизнинг олтин меросини бойитиш устида хизмат қилаётирлар. Шунинг учун банк жорий йилда бандликка кўмаклашиш муассасалари билан ҳамкорликда ана шундай ташаббускор аёлларимизни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга бошланғич сармоя беришни режалаштирган.

Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамасининг "2008-2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури" қабул қилингани ва ушбу дастур асосида вилоятда кенг кўламли амалий ишлар қилинмоқда. Мазкур дастур вилоятда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, саноатни қишлоққа олиб киришга қаратилгани боис ҳам банк унинг ижросида ўзига хос улуш қўшаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Жумладан, ушбу Дастур доирасида 5 та лойиҳа тўлиқ амалга оширилди, 9 та лойиҳа эса ҳаётга татбиқ этилмоқда ва бунинг учун ҳозирча жами 705,4 миллион сўмлик кредит ажратилди. Ажратилаётган банк маблағлари биринчи навбатда йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилаётгани эътиборли. Жумладан, Бойсун туманидаги "Файз-Рамз" (125 млн.сўм), "Хуршид" (100 млн.сўм), "Жило-Файз" (50 млн.сўм) кичик корхоналари, Узун туманидаги "Мезон-зиё" корхонаси (150 млн.сўм), Шўрчи туманидаги "Жануб Сурхон ғишт" МЧЖ (150 млн.сўм) ҳамда "Шўрчи Евротекст" МЧЖ (500 млн.сўм) каби тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзли кредитлар ҳисобидан ушбу корхоналарга энг замонавий технологиялар келтирилиб, уларнинг аксариятида ишлаб чиқариш жараёни бошлаб юборилди.

Шу билан бирга Сурхондарё вилоятида 2009-2010 йилларга мўлжалланган республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ҳамда нарх-навонинг кўтарилиб кетмаслигига қаратилган чора-тадбирлар Дастурига кўра 97 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Ушбу мақсадлар учун жами 5 миллиард 374 миллион сўм кредит ажратиш режалаштирилган эди. Айни пайтгача ушбу лойиҳанинг 81 таси амалга оширилди. Натижада 411 та доимий иш ўринлари яратилди.

Аслида молиявий кўмак замирида биринчи навбатда янги иш ўринларини яратиш ўз аксини топиши керак. Ҳар қандай мижоз банкдан молиявий кўмак сўраб, мурожаат қилар экан, энг аввало, ўз бизнес режасида олинаётган кредит эвазига яратиладиган янги иш ўринларига алоҳида урғу бериши мақсадга мувофиқ. Негаки, банк берадиган молиявий кўмак ўша корхонани ривожлантириш, кенгайтиришга хизмат қилар экан, демак қўшимча иш ўринлари ҳам яратилади.

Ўтган 2009 йил давомида олиб борилган ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, "Агробанк" ОАТБнинг вилоят бошқармаси ва унинг туманлардаги бўлимлари томонидан таклиф этилган кредитлар натижасида вилоятда жами 13217 та янги иш ўринлари яратилди. Эътиборлиси, ушбу иш ўринларининг кўпчилиги қишлоқ жойларида ташкил этилди.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири ®

ФАОЛИЯТ

Солиқ тизимини модернизация қилиш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида "Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини модернизация қилиш" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманни Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Комилжон Алламжонов олиб борди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев сўзга чиқиб, юртимизда кейинги йилларда аҳолига ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида солиқ тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилаётгани хусусида маъруза қилдилар.



Тадбирда ўтган йилнинг охири ҳамда 2010 йилнинг дастлабки кунларида солиқ тизимида туб бурилиш ясайдиган муҳим ҳужжатлар қабул қилингани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига асосан жорий йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди. Хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш мақсадида 2010 йилда фойда солиғининг базавий ставкаси амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилди. Натижада 2010 йилда корхоналар ихтиёрида 52,1 млрд. сўм атрофида маблағ қолдирилиши кутилмоқда. Иқтисод қилинган маблағ эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уни технологик қайта жиҳозлаш, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини оширишга йўналтириш имконияти пайдо бўлади.

Аҳоли даромадларига солиқ юкини камайтириш ва уларнинг харид қобилиятини ошириш мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 2010 йилда ҳам камайтирилиб, солиқ солишнинг биринчи шкаласи бўйича 12 фоиздан 11 фоизга пасайтирилди.

Шунингдек, жисмоний шахсларга солиқ олинадиган даромадни қуйидаги маблағлар суммасига камайтириш шаклидаги қўшимча имтиёзлар жорий этилди:

— Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълим олиш учун (ўзининг таълим олиши ёки 26 ёшгача бўлган фарзандининг таълим олиши учун) тўланган суммалар кўринишида ижтимоий чегирмалар;

— жами даромадни фуқароларнинг "Халқ банки"даги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақаларига ихтиёрий равишда ўтказиладиган маблағлари суммаси миқдорига камайтириш.

Амалга ошириладиган тадбирлар натижасида аҳоли даромадлари 102 млрд. сўмга ўсиши кўзда тутилмоқда.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги базавий ставкаси амалдаги 8 фоиз ўрнига 7 фоиз миқдорида белгиланди. Ставкани пасайтириш натижасида микрофирма ва кичик корхоналарнинг солиқ юки камайиши ва 2010 йилда улар ихтиёрида 25 млрд. сўм атрофида маблағ қолдирилиши кутилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга кўра, Солиқ кодексининг 134 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан:

— Солиқ кодексининг 6 та моддасига, 2010 йил учун солиқ сиёсати концепциясидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди;

— Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қўлланиладиган атамаларни бирхиллаштириш ҳамда икки ёқлама талқин этишни бартараф этиш мақсадида Солиқ кодекси ўзбекча матнининг 37 та моддасига тахририй ўзгартиришлар киритилди;

— қолган ўзгартиришлар Солиқ кодекси нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш ҳамда унинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида киритилди.

Солиқ органлари тизимини янгилаш, уни модернизация қилиш, назорат қилувчи органлар функцияларидаги бир-бирини такрорлаш ҳолатларини бартараф этиш, солиқ қонунчилиги ва Давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш бўйича белгиланган топшириқларни бажариш, бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш мақсадида 2010 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унга асосан давлат солиқ органлари олдига бир қатор қўшимча вазифалар қўйилиб, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи тузилмалари ташкилий структураларига ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, янги штат бирлиги эвазига Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси таркибида жами 604 нафар ходимдан иборат бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Бозорлар ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига турли текширувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашиш ҳолатларига барҳам бериш мақсадида текширувлар ўтказиш ҳуқуқи фақат давлат солиқ хизмати органларига берилди. Бундан ташқари, тизимдаги билимли ва етук касбий маҳоратга эга ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида уларнинг лавозим маошларига функционал вазифаларини бажариши, билим даражаси, солиқ тўловчилар билан иш олиб бориш бўйича қобилияти ҳар йили тест синовидан ўтказилиши асосида махсус рағбатлантирувчи устамалар жорий этилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, республикамизда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш, ҳисоботларнинг электрон тартибда топширилишини такомиллаштириш мақсадида ўзбек ва рус тилларидаги "БЭМ — бухгалтерга электрон мадад" номли миллий дастурий маҳсулот яратилди. Солиқ қўмитасининг махсус веб-сайти ва "Солиқ инфо" газетасига асос солинди. Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган солиқ саводхонлиги бўйича махсус ўқув режасига кўра бир қатор дарсликлар жорий этилгани ҳам соҳа ривожига хизмат қилиши шубҳасиз.

Анжуман якунида солиқ сиёсатида рўй бераётган янгилик ва ўзгаришларни кенг ва сифатли ёритиш, оммавий ахборот воситалари вакилларининг соҳага оид билимини янада бойитиш мақсадида 2010 йил март-сентябрь ойлари давомида журналистлар учун махсус семинар-тренинглар ташкил этилиши эълон қилинди. Ушбу давр оралиғида марказий ва маҳаллий ОАВда эълон қилинган солиққа оид энг яхши мақола, лавҳа, радиоэшиттиришлар, интернет материаллари, бўйича республика танлови ҳам эълон қилинади. Голиблар 15 сентябрь куни тантанали тарзда тақдирланади.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири

МУТОЛАА

Қалб қоғозга кўчганда

Аввало, китобнинг номи диққатингизни тортади: "Эл сув ичган дарёлар". Илгари "Мен сув ичган дарёлар", "Биз сув ичган дарёлар" номли китобларни, айнан шу номдаги кўплаб мақолаларни ўқиганмиз. Бунисининг қамрови анча кенглиги кўриниб турибди. Кейин муқовада, кино кадрларида берилгандек, таниш инсонлар суратларига кўзингиз тушади: Пиримқул Қодиров, Пирмат Шермуҳаммедов... Қизиқиб дарҳол муқованинг орқа томонига қараймиз: Маҳмуд Саъдий, Азим Суюн, Қозоқбой Йўлдош, Абдуғани Жума. Ҳар бири катта-кичик дарёлар.

Оҳирида муқова тепасида кичик ҳарфлар билан берилган муаллифнинг номини ўқийсиз: "Абдусаид Кўчимов. Таниқли журналист, адиб, шоир. Анчадан бери унинг янги китобини ўқимаган эдик.

Шу мулоҳаза оғушида, яхши ният билан китобни қўлга олдим, ўқишга тутиндим, охиригача мириқиб ўқидим, зўр таассурот олдим. Мана, бадиани қандай ёзиш керак! Ижодкорга буни ёзинг, бундай жанрда ёзинг, деб маслаҳат бериб бўлмайди. Бу — унинг иши, қалб даъвати, дил изҳори. Лекин ўзимча, Абдусаид Кўчимов шеър, достон ҳам ёзсин, ҳикоя, қисса ҳам ёзсин, лекин кўпроқ публицистика ёзсин, шу китобидагидай қотириб ёзсин, деган бўлардим.

Илиқ таассуротимни портрети энг кейин берилган ижодкор Абдуғани Жума ҳақидаги "Фотограф" бадиасидан бошласам.

Абдуғани Жума кўпдан бери сурат олаётган, кўпларнинг суратини олган, бир неча бор шахсий кўргазмаларини ўтказган, ўзимизда ва хорижда кўплаб совринларга сазовор бўлган таниқли фотосанъаткор. Эсимда, беш йил муқаддам ўтказилган сара суратлари кўргазмасида ижоди, маҳорати ҳақида бири-биридан илиқ фикрлар айтилган эди. Ўшанда Абдуғани Жумани ўзбек йигит-қизлари орасидан етишиб чиққан, фотожурналистика ривожига салмоқли ҳисса қўшган, фотони санъат даражасига кўтарганлардан бири, аниқроғи, биринчиси, дея мардона тан олишганини эшитиб, ғоят мутаассир бўлган эдик. Тўққиз йил муқаддам Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети деканати фойесига Абдуғани Жума ва унинг шогирди — талаба туширган ноёб суръатлар туркумини ҳам ибрат, ҳам безак сифатида илиб қўйган эдик. Бир чеккаси, ўзим ҳам бу суратгир ҳақида ёзгим келиб юрардим. Лекин Абдусаид Кўчимов бадиасини ўқигач, бу фотосанъаткор ҳақида бундан ўтказиб бир нарса айтиб бўлмайди, деган қарорга келдим.

Муаллиф бошқа қаҳрамонлари сингари суратгирни ҳам унинг шахсияти билан боғлиқ ҳолда тасвирлайдики, бу китобга ўзгача жозиба, ҳаётийлик бағишлайди. Қаҳрамон шахсияти унинг қиёфаси, гап-сўзлари, фазилату нуқсонлари, бари-барида намоён бўлади. Абдуғани Жума — фотографияни жон-дилидан севадиган, санъатнинг бу тури ҳақида кўплаб китоб, мақолалар ўқиган, ўзича бир дарслик ҳам қоралаб қўйган ижодкор. Дипломига кўра, иқтисодчи бўлса-да, мутахассисликдан фотографияни афзал кўрган, тиниб-тинчимас, фидойи инсон кўпдан бери кўп ва хўп сурат олади. Анчайин сўзамол, тинглашдан кўра гапиришни хуш кўради, унинг баъзи мароқли ҳикояларидан чинакам профессионаллигини англайсиз.

А.Кўчимов "Фотограф" номли бадиасида бир йўла уч вазифани адо этишга муваффақ бўлган: биринчидан, Абдуғани Жуманинг тийнати-характери, иш услубини тасвирлаш, таъсирли-эътиборли фикр-мулоҳазаларини келтириш орқали унинг эсда қоларли ижодий портретини яратади. Иккинчидан, Одил Ёқубов, Шукур Холмирзаев, Баҳодир Йўлдошев, Василий Песков, Равил Альбековнинг бошқа муаллифлар яратган портретларига фотографнинг мароқли, ибратли ҳикоялари орқали янги чизгилар қўшади. Учинчидан, бунда (бошқа бадиаларида ҳам) суратқашнинг ҳаёти, ижоди, тамойиллари, орзу-армонлари, хуш-ноҳуш онлари ҳақида муайян маълумот беради, ўзи сезмаган ҳолда автопортретини чизади.

Китобнинг сўзбоши муаллифи ҳам, камина ҳам таҳлилни бежиз "Фотограф" бадиасидан бошламадик. Ёзувчилар, санъаткорлар, футболчилар ҳақида кўп ёзилган ва кўп ёзилажак. Айниқса, хонандаларнинг ўқи ўзган: доимо радиода эшитиб, экранда, тўй-ҳашамларда кўриб, матбуотда кўплаб суҳбат-интервьюларни ўқиб турамиз. Айниқса, журналист ука-сингилларга қойил: хонанда, актёрнинг қайси таомни севиб ейиши, қандай кийимни яхши кўриши, кўрадиган тушларидан тортиб қанча шогирд етиштиргунигача (ҳали ўзи ёш, "санъаткор" номини олиши, шогирд етиштиришига анча бор) майдалаб сўраб олишади. Умрини эл, адабиёт, маориф, таълим-тарбияга бахшида этган инсонларга, афсуски, камроқ эътибор берилади. Шу маънода Абдуғани Жума, Пирмат Шермуҳамедов, Азим Суюн, Қозоқбой Йўлдош, Маҳмуд Саъдийнинг ижодий портретларини чизгани, икки улкан адиб — Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов ҳақида янги гаплар айтгани учун Абдусаид Кўчимовдан алоҳида миннатдор бўлсак, арзийди.

Китобда таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдош ҳақидаги "Учрашув" бадиаси шундай бошланади: "Ёлғон гапиришдан нима фойда: кўриниши ёқмади — каттазанг, қўлларини чарм камзул киссасига суқиб тираб олган! Бошини кийман (орқага) ташлаб, қирғиз кўзларини қисиб, айб излагандай зичлаб тикилади. Ғашим келди. Телевизорда бип-бинойидай кўринарди, ... суҳбатлари диққатли эди, камтар, камсуқум...дек эди. Мана мундай — хўмрайиб, худди жанжаллашмоқчидай ҳурпайиб туриши... Илиқ-илмиқ тасаввурларимни бузиб ташлаётгандай бўлди".

Ижобий руҳда ёзилган ижодий портретларнинг бундай мурчли-қалампирли иборалар билан бошланганини кам кўрганмиз.

"Тез оқар сокин дарё" бадиаси таниқли олим, адиб, ношир, профессор Пирмат Шермуҳамедов сурати, сийрати, ижодий фаолиятига оид ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ибратли воқеалар, нозик деталларга бой.

Хуллас, у ҳаётдан нурли томонлар излайди, топади, акс эттиради. Одамлардан фазилатлар қидиради, топади, бадиий нақшлайди. "Эл сув ичган дарёлар" — Абдусаид Кўчимовнинг тасдиқловчи инсон, тасдиқловчи ижодкор эканини намоён этувчи асар. Муаллиф яхши билган, кўп мулоқотлар қилган, юрагида из қолдирган инсонлар ҳақида бадиалар, эсселар ёзар экан, ўзи ҳақида ҳам йўлйўлакай нималардир айтиб кетади. Бу асарга ҳаққонийлик, табиийлик, самимийлик бағишлайди. Айни чоғда асар охирида умр сарҳисоби, дил изҳорини тўлиқроқ, тўлиқиброқ айтишга эҳтиёж, зарурат сезади. Китоб сўнггидаги "Вазифа", "Ўзбекистон чинорлари", "Умрнинг бир парчаси" бадиаларини шундай зарурат натижаси деб билмоқ жоиз.

Сайди УМИРОВ,
ЎзДЖТУ доценти

НУҚТАИ НАЗАР



Биламизки, тафаккур миядаги бир нуқтанинг маҳсули эмас, балки мия пўстлоғидаги бир қанча нуқталар фаолиятининг йиғиндиси ҳисобланади. Бинобарин, фикр юритишда қатор ақлий жараёнлар — анализ, синтез, таққослаш, абстракция, умумлаштириш ва бошқалар фаол иштирок этади. Шундан кейингина биз воқеликлар натижаси асосида хулоса чиқарамиз, бир тўхтамга келамиз. Бунда мия пўстлоғининг ихтисослашган ҳужайралари фаолияти бир нуқтага жамланади. Лўнда қилиб айтганда, миянинг ақлий — интеллектуал қобилияти шу ихтисослашган нуқталарнинг қанчалик ривожланганига боғлиқ. Уни ривожлантириш манбаи эса — китобдир.

КИТОБ ЎҚИШ ФИКРЛАШ ДЕМАКДИР

Инсон китоб мутолаа қилар экан, шу нуқталар жуда секин, сезилмас даражада ривож олиб боради. Чунки одам китоб ўқиш жараёнида фикр юритади. Бинобарин, у қанча кўп ўқиса, шунча кўп фикрлайди. Қанча кўп фикр юритса, мия нуқталари шунча кўп такомиллашади, ривожланади. Бу — чиндан ҳам нина билан қудуқ қазишнинг ўзгинаси. Лекин ой-кунлар ўтади, йиллар ортда қолади. Инсон китоб мутолаа қилишда давом этар экан, тафаккурини ошира боради. Бундай инсон эса кўп кашфиётларга доноликка мойил бўлади.

Албатта, китобнинг қанақалигига қараб миянинг у ёки бу нуқталари ривожланади. Чунончи, бадиий китоблар ҳис-туйғуларни, турмуш машмашаларини, ҳаётий муаммоларни ҳал қилишни, гўзалликни, севишни, ёмондан яхшини, адолатдан ноҳақликни ажратишни ўргатса, илмий китоблар фанларнинг у ёки бу соҳасини ўргатади. Демак, бадиий китоб ҳаётга ўргатса, илмий китоб мутахассисликка етаклайди.

Кундалик дафтар тутиш ўқимишли бўлишнинг бошланғич сабоғидир. Бу машғулот ўзининг талайгина фойдали жиҳатлари билан бирга болаларни, ёшларни жумла тузишга, нутқни ўстиришга, фикрни тушунарли ва маъноли баён қилишга ўргатади. Турмуш сабоқларини, ҳаётий кечинмаларни ҳис қилишга, таърифлашга, хулоса чиқаришга ўргатади. Бу ўқимишли бўлишнинг бошланғич босқичидир.

Инсон ўқишдан тўхтаган заҳоти фикрлашдан ҳам тўхтайди, деган аксиомада жон бор. Чунки инсон мияси илм орттириш орқали камол топган. Ўқиш мияда янгидан-янги фикрлар туғилишига, гипотезалар, мулоҳазалар, хулосалар юзага келишига туртки беради. Булар буюк кашфиётлар, ўта қимматли фикрлар, илмий гипотезалар ёки ўртамиёна ҳаётий-фалсафий хулосалар бўлиши ҳам мумкин. Ёзувчи, шоирларга, ҳайкалтарош, рассомларга, бастакор ёки санъаткорларга эса илҳом манбаи бўлиши аниқ. Демак, ўқиш керак, китоб мутолаа қилиб туриш керак. Жилла қурса, ҳар бир инсон ўзининг маънавий-ақлий камолотини, маданий-интеллектуал савиясини ривожлантириш учун бўлса-да, ўқиши керак!

Азимжон ҚОСИМОВ

Лев ТОЛСТОЙ

ЧОЛЛАР

Ҳикоя

1.

Кунлардан бир куни икки ҳамсоя, икки қария муборак Қуддуси-шарифни зиёрат қилгани отландилар. Уларнинг бирини Ефим Шевелёв деб аташарди. У ўзига тўқ, бой-бадавлат мужик эди. Иккинчиси — Елисей Бодров эди. Елисей камбағал ҳам эмас, бой ҳам эмас, ўртаҳол деҳқонлардан эди.

Ефим ўзининг қадрини биладиган одамлардан саналарди. Ичкилик ичмас, тамаки чекиш нари турсин, уни ҳидлаб ҳам кўрмас, бир умр оғзига ёмон сўз олмаган, айтганини қиладиган қаттиққўл киши эди. Уни икки бор қишлоқ оқсоқоллигига сайлашди, Ефим иккала сафар халқнинг бир тийинига хиёнат қилмай, идорани ҳалол бошқарди. Рўзғори ҳам жўжабирдай жон: икки ўғли, кампири, янги уйланган набираси — бари бир қозондан таом ейишарди. Ефим тоға етмишни қоралаб қолган бўлса-да, ҳали бақувват, соқолига энди бир-икки оқ оралай бошлаган эди.

Елисей чол бўлса, юқорида айтганимиздек, бой ҳам, камбағал ҳам эмас, ҳарқалай ўзига тўқ бир заҳматкаш киши. Илгари дурадгор эди, кейин чарчаб қолдими, устачиликни ташлаб, ари боқишга ўтди. Уйида асалари асрайди. Шундан балодай даромад қилади. Ўғилдан иккита. Бири пул ишлагани узоқ юртларга кетган. Иккинчиси уйда, ёнида. Елисей тоға аломат одам. Ҳаммага кўнгли бирдай очиқ, ўзи қувноқ, ҳазилкаш. Ўрни келса, оз-моз анави заҳри қотилдан ҳам отиб туради, ўйин-кулги бўлиб қолса-ку, ўртага чиқиб, лапар ҳам айтиб кетаверади. Бироқ биров билан жанжаллашмайди, уй ичидагилару қўни-қўшниларга чурқ этиб ёмон сўз айтмайди. Бир беозор, художўй киши бўлса, шунчалик бўлади-да! Шу боис ўрта бўйли, норғул, қорамағиздан келган, салгина тепакал Елисей тоғани қишлоқ аҳли яхши кўради.

Чоллар Қуддусга бирга бориб келамиз, деб аллақачон келишиб қўйишган эди. Аммо мана бу Ефим Шевелёвнинг қўли бўшамайди-да. Бир юмушни битирса, бу ёнда биз бормиз, деб иккинчиси чиқиб туради. Бир томондан набиранинг бошини икки қилиш керак, бир ёқда аскарликдаги кенжатой ўғилни кутиб олиш лозим. Унинг устига набирага атаб бир каталак солишни ҳам мўлжаллаб қўйган. Хуллас, бош қашигани вақт йўқ.

Бир куни икки ошна кўчада учрашиб қолишди. Йўл четида ётган узун ғўлага бориб ўтирдилар.

— Бу ёғи нима бўлди, оғайни, — деди Елисей, — қиёмат қарзни узгани қачон йўлга чиқамиз?

Ефимнинг пешонаси тиришди.

— Сен ҳам одамни куйдирмай тур, — деди хушламай, — бу йил ўзи менинг омадим келмади. Хабаринг бор, кичкина бир уйча сола бошлагандим, юз сўмнинг нари-берисида битиб кетар, десам, йўқ, нақ уч юз сўмнинг бошига сув қуяман, дейди. Сен шошмай тур, ёзгача мен уйчани созлаб олай, кейин бемалол йўлга тушамиз.

— Менга қолса, — деди Елисей, — савоб ишни орқага ташлаб бўлмайди, айни ҳозир йўлга чиқадиган пайт. Қара, кўклам ҳам гуркираб, йўлга чорлаб турибди.

— Гапинг тўғри-я, аммо бошлаган ишимни қандай ташлаб кетаман, ошна?

— Ўғлинг бор-ку, сенинг ўрнингга ишлаб туради.

— Қўлидан балоям келмайди. Ҳали хом, ишни бузиб қўяди.

— Бир-икки бузади, шундай қилиб ўрганади. Биз ўлгандан кейин нима қилади улар? У ёқдан келиб, иш ўргатиб кетмайсан-ку, тўғрими?

— Тўғрику-я, лекин... Кўзим очиғида ўзим яхшилаб битириб берсам, дегандим-да...

— Э, биродари азиз! Бу дунёнинг ишлари ҳеч қачон битмайди. Ўлаётганингда ҳам битта юмушинг чала қолган бўлади. Ундан кўра, хўп де, Яратганинг йўриғини адо этайлик.

Ефим ўйланиб қолди.

— Лаънати уйга кўп пул кетиб қолди-да, — ҳасрат қилди у. — Зиёратга икки қўлингни бурнингга тиқиб бормайсан-ку, тўғрими? Ўлганда юз сўм керак бўлади.

Елисей кулиб юборди:

— Худодан қўрқмайсанми, божа! — деди у. — Менга қараганда ўн баробар бойроқсан. Тағин пулим оз, деб минғиллайсан. Қўй, бошимни қотирма, қачон йўлга чиқамиз, менга шуни айт, шунга қараб, чўнтагимни тўлдирай.

— Ў-ҳў! Нима бало хазина-пазина топганмисан, жа-а катта кетаяпсан?

— Уйдагилардан сидириб-қиртишлайман, етмаганига асалари уясини сотаман. Қўшним ҳол-жонимга қўймай юрибди ўзи.

— Кейин пушаймон бўлмайсанми?

— Бўлмайман! Бу дунёда қилган гуноҳ ишларимдан бўлак ҳеч нарсага пушаймон эмасман. Жон омон бўлса, мол топилади. Ишқилиб, одамнинг имони саломат бўлсин экан. Хўш, божа, нима қилдик, кетдикми?

Ефим Шевелёв индамади.

2.

Азонлаб Ефим Елисейникига кириб келди.

— Сен тўғри айтибсан, божа, — деди у. — Худонинг ҳукмидан қочиб бўлмас экан. Танда жон, оёқда қувват бор экан, қарзи қиёматни адо этмоқ учун равона бўлайлик.

Чоллар бир ҳафтадан сўнг йўлга тушдилар.

Шевелёв ўзига тўқ эди, юз сўм йўлкирасига олди, бир-икки юз сўмча уйга қолдирди. Елисей асалари уясини сотди, кампирининг ўлимликка деб йиғиб ўтирган акчасини олди. Қўшни, ҳатто келини ҳам савоб учун бир сиқим пул берди.

Ефим уйдаги майда-чуйда юмушларнинг барини катта ўғилнинг елкасига юклади. Елисей эса кампирига бир оғиз гап тайинлади: "Асалари уясини сотганда ҳамсояни алдаманглар, бўлмаса олган пулинг буюрмайди. Рўзғордаги бўлак ишларни аҳиллашиб қилаверинглар", — деди-ю йўл тадоригини кўра бошлади. Чоллар олис йўлга нон ёптириб олишди, янги халта-хуржун тикдилар, қайрағочдан ҳасса йўнишди, эгниларини ҳам бутлашди, оёқларига қўша-қўша мўкки ковуш тикиб олишди. Уй ичи бир бўлиб, уларни кўчанинг бошигача кузатиб қўйди.

Елисей уйидан қушдай енгил бўлиб чиқди. Қишлоғидан узоқлашгани сари уйдаги ташвишларни буткул унутди. Энди унинг калласида бир хил ўй чарх урарди: не қилиб бўлса-да, шеригини ранжитиб қўймаслик керак. Бировга қаттиқ-қуруқ гапирмай, ўша муборак зиёратгоҳга ўйнаб-кулиб бориб келиш даркор. Елисей шу хаёлда йўл танобини тортар экан, ичида қандайдир дуоларни пичирлайди ёки ҳаётида кечган ёқимли воқеаларни эслайди, ўзича мамнун кулиб қўяди. Йўл-йўлакай бирон бегона киши учраса, унга етти букилиб салом қилади, Худо йўлингизни берсин, дея алқайди. Хуллас, ҳар босган қадами Елисейга севинч одими бўлиб туюлади. У фақат бир нарсага пушаймон: тамаки ҳидлашни ташламоқчи бўлди, ҳатто наяки халтани ҳам уйда қолдирди. Аммо... баъзан бу лаънатининг бирам хумори тутадики, номусдан ерга кириб кетай, дейди. Елисей сал четроққа чиқиб, хуфёна наяки қилиб олади.

Ефим Шевелёв ҳам вазмин қадам ташлаб, индамай илгарилаб бораяпти. Ортиқча бир гап айтмайди. Бироқ қовоғини ҳам очмайди. Унинг кўнглида тегирмон тоши чўкиб ётгандек. Кўнгли бесаранжом. Уйдагиларни ўйлайди. Ўғлига бирор нарсани тайинлаш эсидан чиқмадимикан? Бола тушмагур айтганларини ўринлатиб қилармикан ёки ишни чала-чулпа қолдириб кетармикан? Мабодо йўл устида мужикларнинг картошка экаётганини ёки далага гўнг ташиётганини кўриб қолса, дарров кўнглига келади: унинг ўғли ҳам мана буларга ўхшаб ишни саранжом қилаётганмикан ёки... Эҳ, ўзи уйда бўлганда-ку, қандай ишлаш кераклигини кўрсатиб қўярди-я! "Ҳай, майли, омон-эсон қайтиб келайлик-чи, кейин бир гап бўлар..."

3.

Мана, беш ҳафтадан буён икки оғайни тинмай йўл босади. Уйда кийиб чиққан мўкки калишлари ҳам тўзиди, йўл-йўлакай янги ковуш сотиб олишди. Шундай қилиб, Украинага ҳам етиб келишди. Улар ўта меҳмондўст чиқиб қолишди. Кетма-кет меҳмонга чақиришди, бор нарсаларини ўртага тўкиб сийлашди, ётоқ пули ҳам олишмади. Кетишда эса мусофирларнинг халталарига нондан тортиб ширинликкача солиб беришди.

Зиёратчи қариялар яна бир губерния босиб ўтдилар. Ва ниҳоят, қуриб-қақшаб ётган ғариб бир ерга етдилар. Чолларнинг йўловчи мусофир эканини билиб, уй эгалари кечаси ётоқ жой учун пул олишмади-ю, аммо меҳмон ҳам қилишмади. Айтишларича, бултур экин-тикин яхши бўлмабди. Шунинг учун ўзлари базўр кун кўриб ўтиришган эмиш. Бойлар бор-будини сотиб, хонавайрон бўлишибди, ўртаҳол деҳқонлар-ку, ишга ярамай, адои тамом бўлишибди. Камбағалларни айтмаса ҳам бўлади. Улар бир бурда нон илинжида бегона эларга бош олиб кетишган ёки овул кезиб тиланчилик қилиб юришган эмиш. Одамлар очликдан дарахт пўстлоғини ейишга тушибди.

Чоллар тезроқ бу бехосият ердан жўнадилар. Бешўн сўмга нон сотиб олишди-ю, кун қизмай йўлга тушдилар. Бирор ўн чақирим йўл босиб, дарё бўйида тўхташди. Қотган нонни сувга ботириб еб олишди ва яна Қуддуси шариф қайдасан, деб қўзғалдилар.

Яна бирор чақирим йўл юриб, улкан бир қишлоққа кириб келишди. Бу ерда тўхташмади. Қишлоқнинг бу бошидан кириб, у бошидан чиқдилар. Ефим миқти эди, тўхтамай бир маромда собит қадам ташлар, Елисей гоҳо унга етолмай ҳансираб қоларди. Ахири Елисей чидамади:

— Чўлладим, оғайни, — деди, — ҳув анави уйга кириб сув ичиб чиқаман.

— Майли, — деди Ефим, — кириб чиқақол. Мен чанқаганим йўқ.

— Сен кетавер, — деди Елисей, — мен ғир этиб сув ичаман-у, ортингдан етиб оламан.

— Бўпти, — деди Ефим.

Елисей йўл четидаги кўримсизгина уйга бурилди. Уй харобдан хароб эди. Томи лойсувоқ, деворлари кўчиб ётибди, чамаси, неча йилдирки, иморатга устанинг қўли тегмаган. Томи ҳам қийшайиб, бир тарафдан жағи очилиб кетибди. Елисей ҳовлига кирди. Қараса, бўсағада бир одам чўзилиб ётибди. Афтидан, у эрталабки салқинда бир мизғиб олмоқчи бўлган-у, ухлаб қолган. Бошига офтоб келган бўлса ҳам, ўрнидан турай демайди. Елисей: "Ҳой ким бор?" — деб товуш берди. Лекин бояги йигит миқ этмади. "Бир қултум сув ичсак бўладими?" — деб Елисей тағин сўради. Уй эгаси пинак бузмади. "Бу бола ё ўсал, ё одам исини ёқтирмайдиганга ўхшайди", — деб хаёл қилди Елисей. У эшикка яқинроқ келди. Қулоғига ёш боланинг йиғи овози эшитилгандек бўлди. Елисей эшик ҳалқасини тақиллатди.

— Бу ерда тирик жон борми? — деб хитоб қилди. Жимжитлик. Елисей ҳассаси билан кўча эшикни ура бошлади.

— Ким бор, ҳўв! Худонинг бандалари, сиздан сўраяпман, жавоб беринглар!

Тиқ этган садо бўлмади. Елисей энди изига қайтмоқчи бўлиб юрувди, ичкаридан кимнингдир оҳ тортганини эшитиб қолди. "Йўқ, бу ерда бир нима бўлганга ўхшайди, — деб хаёлланди Елисей, — Қарай-чи, тинчликмикан?"

Елисей ичкарига қараб дадил юрди.

4.

У равонга чиқди. Ичкари уйнинг эшиги ланг очиқ эди. Елисей ҳайрон бўлиб, эшикдан мўралади. Кейин бир-бир босиб уйга кирди. Чап тарафда тахтиравонпеч, ўнг томонда овқат ейиладиган баланд, узунчоқ хонтахта. Енгил кўйлак кийган, сочлари тўзиб кетган бир кампир хонтахтага бошини қўйиб, инграб ўтирибди. Тўрда, эски каравотда бир аёл ётибди. У тишларини ғижирлатиб, гоҳо оҳ тортади-ю, жим бўлади. Кампирнинг оёқ остида бир болакай узала тушган. Унинг боши муштдай, томоғи қилдай, лекин қорни катта, худди шишиб кетганга ўхшайди.

Уй ичидан кўнгилни айнитадиган бадбўй ҳид келади. Чамаси, уй ичидаги кишилар бир неча ойдан бери ювинмаган ёки ҳожат учун ташқари чиқмаганлар...

Елисей кампирнинг ёнига борди:

— Мен бир мусофир йўловчиман, — деди ийманиб, — чанқаб, сув ичгани кирувдим, мом...

Кампир аранг бошини кўтарди. Сузук кўзларини Елисейга тикди:

— Бу ерда... ҳеч вақо йўқ... Топсанг, ўзинг ичиб кетавер, йўловчи...

Бегона кишини кўриб, болакай ҳиқиллаб йиғлади.

— Бувижон, нон беринг... Қорним очди, — дея қўл чўзди.

— Нон бўлмаса, тошни бераманми?! — деб кампир уришиб берди, — одамни жимгина ўлгани ҳам қўймайсан-а, яшшамагур!

Елисей у ёқ-бу ёққа аланглади. "Нима гап?" — деб сўрамоқчи эди, шу пайт оғир йўталиб, ташқаридан бир чол кирди. У остона ҳатлайман, деб йиқилиб тушди. Ўрнидан турмоқчи бўлиб, бир-икки уринди, туролмади, бўсағада ёнбошлаб қолди. Бегона кишини кўриб, дардини айтди:

— Очлик... Тинкамизни қуритди... Ана, болалар шишиб кетган... Бу лаънати қаҳатчилик ҳадемай...барчани адойи тамом қилади, шекилли...

Қария яна нимадир демоқчи бўлди, аммо тили айланмади. У мажолсизланиб, тўхтаб қолди.

Елисей йўл халтасини очди. Бир буханка нон олди, уни бир четидан кесди. Бир бўлагини чолга узатди. Чол керак эмас, дегандек бош чайқади ва кўзи билан болакайни кўрсатди. Елисей нонни болага берди. Бола Елисейнинг қўлидан бурдани тортиб олиб, бурнига ишқаб ея бошлади. Уни кўриб, стол ортидан бир қиз ҳам чиқиб келди. Елисей унга ҳам нон кесиб берди. Қиз севинганидан йиғлаб юборди. Кампир тамшаниб ўтирибди. Елисей буханканинг ярмини тўғраб, столга уйиб қўйди. Кампир бир бўлак олиб, эринибгина чайнади. Энтикди.

— Қани энди, бир қултумгина сув бўлганда эди, — деди, — нон тиқилаяпти...

— Қудуқ борми? Қайда у?

— Ҳовлида, — деди кампир, — шундоқ чиқсанг, этакроқда, ёнида пақир ҳам бор. Кеча сув олиб кирай, деб чиқувдим, ярим йўлда челак ағдарилди, уни қайта кўтаришга ҳолим қолмади. Шу ерда ётганича... ётгандир... Уф...

Елисей ҳовлига чиқиб, сув келтирди. "Нондан олинг", дея чолга юзланди.

— Йў-қ, — деди қария, — кўнгил овқат тиламайди. Анавилар есин...

Каравотдаги аёл кўзларини очмади. Унга нон бериш учун биров ўрнидан ҳам қўзғолмади.

Елисей гузарга чиқиб, ун, ёғ, туз, нўхат сотиб олди. Уйга келиб ўтин ёрди, печга ўт қўйди. Қозон осиб, ёрма бўтқа пиширди. Ҳаммани дастурхонга чақириб ўтқазди, уларни тўйгунларича овқатлантирди.

Саъдулла СИЁЕВ
таржимаси.

(Давоми бор.)

1 2 3 4

БЕТАКРОР КУЙЛАР СЕҲРИ

Ўзбекистон санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, композитор Анор Назаровнинг баҳор рангларига бой, меҳр-у, муҳаббатга ошуфта мусиқасини ҳар гал тинглаганимизда ўлкамизнинг гўзал манзаралари, обод шаҳар ва қишлоқларимиз, фаровон ҳаётимиз кўз ўнгимизда гавдаланади. Айниқса, энг улуғ айёмлар — Мустақиллик, Наврўз байрамларида у киши яратган куй асосида янграган қўшиқлар дилларни хушнуд этади.

Бугунги замон ва бунёдкор халқимизнинг қувончу ташвишлари билан ҳамнафас яшаётган Анор Назаровнинг миллий ва замонавий оҳанглар уйғунлигида яратаётган мусиқий асарлари айни пайтда ўзбек миллий эстрада санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Биз моҳир куйлар бастакорининг файзли ижодхонасига борганимизда, пианино устида ҳали сиёҳи қуримаган яна бир янги асарни кўриб, қалбимиз тўлқинланди. Бу гал ҳам у пианино устидаги нотани олиб, янги қўшиқ оҳангини паст-баланд пардаларда маромига етказиб, шундай чалдики, куйнинг ҳар бир банди шеърсиз ҳам тушунарли эди.



— Анор ака, Ватан, бахт, ёшлик, муҳаббат туйғуларига йўғрилган бундай сеҳрли куйлар қачон, қай тарзда қалбингизда туғилади?

— Товушлар дунёси шундай покиза оламки, буни самимиятдан бошқа туйғулар билан ҳис этиб бўлмайди. Қалбга дарё тўлқинлари каби урилган оҳангларни фақат шеъру шуур эиёси билан илғаш мумкин. Лекин ҳамма ҳам композитор бўлавермайди. Болалигимда композитор бўлиш хаёлимга ҳам келмаган эди. Оиламизда санъатга дахлдор киши бўлмаса-да, машҳур ҳофизларнинг куй ёзилган пластинкалари нон каби эъзозланарди. У пайтларда радио, телевизор қаёқда дейсиз? Барча куй-қўшиқларни фақат патефонда тинглардик. Уйимиз деворида отамнинг дутори осиғлик турарди. Баъзан машшоқларга ҳавас қилиб, соз чалганларим, қамишдан най ясаб, куй чалишга интилганларимни сира унутолмайман. Махсус мусиқа интернати ва Ўзбекистон давлат консерваториясида таҳсил олганимдан кейин мусиқа оламига кириб кетдим. Мустақил ижодий изланишимга сабаб бугунги ҳаётий ўзгаришлар, энг аввало, янги давр инсонларининг ижодкорларга бўлган ишонч туйғуси бўлди.

— Дарҳақиқат, истиқлол йилларида яратган ижод намуналарингизда мавзулар кенглиги сезилади, ўзига хос янги оҳанглар жилваланади. Айтинг-чи, ижодий изланишларингизда мумтоз куй-қўшиқларнинг, ўзбек миллий чолғу асбобларининг таъсири қандай?

— Яхши асарлар халқ мулкига айланиб кетади. Ҳазрат Навоийнинг «Қора кўзум», «Кўйида йиғлар эдим...», «Айлагач» ғазаллари ҳозир ҳам қалбларни ҳаяжонга солади. Ижодда чинакам халқчилликни, нозик ҳиссиётларни тингловчиларга ишонарли тарзда етказишни ана шу халқ куйлари ва миллий чолғу асбобларнинг наволаридан ўрганганман. Масалан, танбурни олайлик: ундаги оддий торларнинг сеҳрли оҳанглари кимларни ром этмайди, дейсиз. Улардан таралган куйлар менга нозик ҳиссиётлар ва гўзалликдан сўзлаётгандек туюлади. Ёҳуд сурнай, дутор, доиранинг ўзига хос овози ҳам киши қалбини ҳаяжонлантиради. Бундан ташқари гўзал драматизмга бой. Ижодкор бундан тўғри фойдалана олиши керак.

Мусиқа чегара билмайди. Бизнинг миллий созларимизда хоҳлаган куйларни чалиш мумкин. Масалан, найни қайси миллат вакили чалса, ўша халқнинг овози, жаранги чиқади. Ўзим яратаётган ҳар бир асарнинг ўзбекона бўлиши, товушлари ўзбекчада янграши қалбимда битмас-туганмас завқ бағишлайди. Бир сўз билан айтганда, мумтоз куй-қўшиқлар, созлар яратаётган асарларимга халқимизнинг бахтли ҳаёти, энг яхши орзу-ниятлари, мусаффо осмонимиз ва гўдаклар кулгусини олиб киради.

— Сизнингча, ҳақиқий мусиқа қандай бўлмоғи керак? Ҳақиқий хонандачи?

— Ҳақиқий мусиқа даврлар, қарашлар ўзгарса-да, ўзининг дилтортар товушлари, сўзлари билан меҳр-муҳаббатга ташна қалбларда яшайверади. Масалан, асрлар оша қанча синовларда тобланган «Шашмақом», «Тановар», «Муножот»ни олинг. Бу куйларни не-не санъаткорлар ўз услуби ва ўз йўли билан айтмаган, дейсиз. Бу куй-қўшиқлар халқ орасида мумтоз мусиқамизнинг дурдона асарлари сифатида ҳозир ҳам юксак қадрланади. Аммо ҳозир аксарият хонандалар қўшиқлари матнига ҳам, мусиқасига ҳам ўзлари муаллифлик қилмоқдалар. Бу билан санъатда юксак обрў-эътибор қозониб бўлмайди. Ахир диди нозик халқимизни шунчаки енгил-елпи куйлар билан ҳайратга солиб бўлмайди-да.

Энди санъаткорларга келсак, ўзбек халқининг хонандалик мактаби қадимдан машҳур. Атоқли устозлардан таълим олиб, худо берган овозини асраб тарбиялаган, унга сайқал бериб, ёқимли овозда куйлаган хонандалар билан халқимиз ҳозир ҳам фахрланади. Ана шундай эл ардоғидаги хонандалардан бири Муножот Йўлчиеванинг ўзига хос маҳорат мактаби бор. Ёки жаҳон классикасида ўз овозига эга Муяссар Раззоқованинг ҳам ижоди ёшларга ҳар томонлама ибрат бўла олади. Ҳозир ёш санъаткорларнинг репертуарларида миллий куй-қўшиқларни чалиш, айтишга бўлган ҳавас сезилиб туради. Лекин мумтоз йўналишда қўшиқ куйлайман, деб, халқ меҳр қўйган классик асарларнинг матнини бузиб айтиш, халқ куйларини мукаммал ўрганмай туриб, ундан фойдаланиш санъаткорнинг имкониятларини чегаралайди ва истеъдодига путур етказади. Ҳозир телевизор ёки радио қулоғини бурсангиз, кунига ўнга яқин янги санъаткорларнинг қўшиғини эшитасиз. Айримлари 2-3 та ашула билан гўёки санъат осмонидаги «юлдуз»га айланади. Бироқ уларнинг ичида устоз кўрганлари алоҳида ажралиб туради.

— Болалар руҳиятига мос куй-қўшиқлар яратишнинг завқу заҳмати бўлакча бўлса керак. Сизнинг «Отангга балли, онангга балли», «Озод юртнинг ўғлиман», «Сиз учун, биз учун», «Билиб қўйинг» каби асарларингиз мурғак дилларга чексиз қувонч олиб киради. Аслида бу беғубор дунёнинг нимаси сизни ўзига мафтун этади?

— Болалар дунёсида ижод қилиш энг оғир ва ўта масъулиятли жараён. Лекин бу самимий олам ижодимда алоҳида ўрин тутганидан бахтиёрман. Ҳозиргача болалар учун 35 та мусиқа ёзибман. Композитор болаларнинг ички дунёсига етиб борадиган товушларни илғай билиши билан бирга қалбига йўл топа оладиган ширин сўзларни ҳам танлай олиши керак. Бу борада анча йиллардан буён Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Аммо катталар ва болалар билан ишлаш услуби бир-бирига ўхшамаган тарзда кечади. Масалан, Достон Убайдуллаев «Меҳрингизга ташнаман», Дилшод Каттабеков «Озод элнинг ўғлиман» қўшиқларини ижро этишганда мактаб ёшига ҳам етишмаганди. Баъзан болалар ичида шундай бетакрор овоз соҳиблари учрайдики, улар билан ишлаб чарчамайман, аксинча, завқланаман.

Давлатимизнинг санъатга эътибори ва ғамхўрлиги ўлароқ юртимизда махсус санъат мактаблари очилди ва уларда таълим олаётган пианино, виолончель, скрипка ва халқ чолғу асбобларини чаладиган ёшлар жаҳоннинг нуфузли кўрик-танловларида қатнашиб, улкан мувафаққиятларни қўлга киритиб келишаётгани қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади, албатта.

— Сиз узоқ йиллар Миллий эстрада симфоник оркестр жамоасининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри бўлгансиз. Аввалги яратилган куй-қўшиқлар билан бугунги ижодий муҳит ўртасида қандай тафовут бор?

— Илгари телеэкранда симфоник оркестр жамоасининг мусиқий дастури ёки опера, балет намойиш этилса, одамлар бошқа каналга қўйишар ёки бу мусиқий асарларни англаши қийин кечарди. Ижодий жамоа билан иш бошлаганимизда, оркестр фаолиятини рубоб, дутор, сурнай сингари миллий чолғу асбоблари билан узвий боғлашга ҳаракат қилганмиз. Натижада оркестр жаҳон мусиқа дунёсида яратилган ажойиб куйлар, ўзбек халқ куй ва созлари таъсирида тингловчиларнинг меҳрини қозонди.

Ўзбек мусиқа санъати истиқлол йилларида композиторлик ижодининг барча жанрларида катта ютуқларни қўлга киритди. Йирик ва бадиий етук асарларнинг опера, балет ва мусиқали драма театрларида саҳналаштирилиши учун кенг йўл очилди. Эндиликда халқимиз муҳаббат қўйган асарлар нафақат экранда, балки жаҳон саҳналарида ҳам қайта-қайта намойиш этилмоқда. Бу бахтни сўз билан ифодалаб бўлмайди.

— Юртбошимизнинг ташаббуси билан энг улуғ, энг азиз неъмат — мустақиллик йилларида бўлиб ўтаётган «Ўзбекистон — Ватаним менинг», «Ягона-сан, муқаддас Ватан» каби нуфузли танловларда куй-қўшиқларингиз билан иштирок этиб, бош совринни олиб келяпсиз. Эл-юртнинг юксак эҳтиромига сазовор бўлган бу асарларингиз қайси шоир ва ижрочилар билан ҳамкорликда яратилган?

— Юртимизда Ватан мадҳига йўғрилган куй-қўшиқлар кўрик-танловнинг ўтказилиши ижодкорлар билан бир қаторда тингловчиларга ҳам кўтаринки руҳ бағишлайди. «Ягона-сан, муқаддас Ватан» танловида Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов билан ҳамкорликда яратилган «Жон Ўзбекистон» (қўшиқ ижрочилари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбеков, миллий хор жамоаси, Ўзбекистон Давлат симфоник оркестри) қўшиғи бош совринни қўлга киритган бўлса, учинчи ўринга Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо билан биргаликда яратилган «Жаннатмаконим менинг» (қўшиқ ижрочилари — ёш хонанда Малика Эгамбердиева, миллий хор жамоаси ва миллий эстрада симфоник оркестри) қўшиғи сазовор бўлди. Бундан ташқари элимизнинг ардоқли шоирлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Эътибор Охунова, Маҳмуд Тоиров, Барот Исроилов, Зикирилло Неъмат ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг шеърларига куйни жўшқин руҳ билан ёзганман. Булар ичида «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ватан қадри», «Дўлана», «Юр, муҳаббат», «Янги-янги йиллар келарлар» каби кўплаб куй-қўшиқлар алоҳида ажралиб туради. Халқимизнинг бир-биридан азиз ва мўътабар фарзандлари билан бирга ишлаш насиб этганидан Яратганга шукроналар айтаман.

Лекин қалбимни ҳалигача бир армон ўртайди: ҳазрат Навоийнинг ғазалларига куй яратиш учун қўл урсам, титраб кетаман. Бобур Мирзонинг биттагина асарини ёзишга юрагим дов бермайди. Лекин бул улуғ зотларнинг ижод умонидаги тўлқинлар қалбимга урилади. Қани эди, ҳаётим давомида «Қора кўзум»дай бир асар яратсам.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

УЧРАШУВ

СПОРТ

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Халқаро гимнастика федерацияси кўмагида Осиё гимнастика уюшмаси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан бадиий гимнастика бўйича Тошкент шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионати якунланди. Унда қитъамизнинг бир нечта давлатларидан келган юз эллик нафарга яқин гимнастикачилар ўзаро куч синашди.

Кутилганидек, мусобақа қизғин, муросасиз курашларга бой бўлди. Чунки спортчилар ғолибликни эгаллашдан ташқари жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда ёшлар ўртасида ўтказиладиган I Олимпиада ўйинларига бериладиган йўлланмалар учун ҳам курашди.

Мусобақада муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Азиза Мамажонова кўпкураш беллашувларида биринчи ўринни эгаллади ва Сингапурда бўладиган ёшлар Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритдилар.

Вакиламиз яккаликлар ўртасидаги кўпкураш беллашувларидан ташқари, тўп, булава ва ҳалқада машқ бажариш бўйича учта олтин, арғамчи ёрдамида бажарилган композицияда эса кумуш медални қўлга киритди. Шунингдек, у, жамоадошлари ва Сарвина Ҳолиқова ва Ҳусниябону Ғуломовалардан иборат учлик ҳам жамоавий беллашувларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ҳусниябону Ғуломова яккаликлар ўртасида арғамчида бажарилган машқлар бўйича олтин, Сарвина Ҳолиқова эса ҳалқа ўйинатишда кумуш медални қўлга киритди.

ҲАКАМЛАР СУДГА БЕРИЛИШИ МУМКИН

Туринда ўтказилган Олимпиада чемпиони россиялик спортчи Евгений Плющенко айни кунларда Канадада бўлаётган Олимпиада ўйинларида фигурали учиш бўйича эркаклар ўртасидаги мусобақани баҳолаб борган ҳакамларнинг қароридан норози бўлиб, керакли жойга шикоят аризаси билан мурожаат қилиш фикрида. Бу ҳақда www. Sportbox.ru сайти маълумот тарқатди.

Мусобақа пайтида Евгений Плющенко америкалик Эван Лайсачекдан фарқли равишда 1,31 баллик ҳаракатларни бажаришга эришганди. Аммо ҳакамлар биринчи ўринга Эван Лайсачекни муносиб кўришди.

— Спорт раҳбарларимиз айтишдики, мен судга мурожаат қилишим мумкин экан, — дейди Евгений Плющенко журналист билан суҳбат чоғида. — Шу боис меҳнатларимга яраша бўлган медални қўлга киритмоқчиман. Ўйлайманки, бу фикримни ҳамма қўллаб-қувватлайди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, россиялик спортчи ҳуқуқий ёрдам сўраб, Россия Олимпиада қўмитасига мурожаат қилган.

ФАОЛИЯТИНИ ЯКУНЛАМОҚЧИ

Украиналик таниқли боксчи Виталий Кличко журналистлар билан мулоқот чоғида жорий йилда спортдаги фаолиятини якунламоқчи эканини айтиб ўтди.

— Қўлга киритишим керак бўлган фақат битта камар қолди, — деди у ўз интервьюсида. — Шунинг учун бу йил чарм қўлқопларимни михга илмоқчиман. Энди шаҳарма-шаҳар юриб бировлар билан муштлашишга чек қўймоқчиман.

Хабарингиз бор, ўттиз тўққиз ёшли боксчи ўтган йил WBC камарини уч марта ҳимоя қилди. Жорий йилда эса унинг WBA йўналиши чемпиони Николай Валуевга қарши рингга чиқиши режалаштирилган.

Шоира МАҲМУДОВА тайёрлади.

Бобур Халқаро фонди раёсати фонд раиси Зокиржон Машрабовга волидаи муҳтарамалари

НУБУВВАТХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

СОЧМАЛАР

«Ўғлимга мактублар» китобидан

Зилзила бўлишини аввалдан сезсанг-да, қулаши мумкин бўлган деворга елка тутиб туролмасанг, сенинг билимдонлигингдан не наф?

* * *

Барча ёмон кунлар учун ўзимиз сабабчимиз. Бошқаларни яхши кўриш, кечира билиш санъатини ўргана олмабмиз.

* * *

Яхшиликларингга шубҳа билан қарайдиган одамдан қўрқ! Ё унинг қалбини меҳр тафти билан илит, ё ундан узоқроқ юр.

* * *

Олға интилмаган, ҳаракат қилмаган одам хато қилмайди. Афсус, у олға интилмаслик, ҳаракат қилмаслик туфайли хато қилганини сезмайди.

* * *

Ҳасрат — ҳасаднинг иниси. Кўнгилдаги ёруғлик, қалбдаги чўғни сўндиради. Ишончни ўлдиради. Доим куйиб, ўкиниб яшаётган одам, энг аввало, ўзини емиради. Орзу-умид, ҳавас туйғулари уни тарк эта бошлайди. Ўзни севиш, яхши кўриш ҳасад туфайли мосуво бўлади. Ўзини севмаган, яхши кўрмаган одам юрагида ўзгаларга нисбатан меҳр ёғдуси порламайди. Меҳр ёғдуси йўқ юракда ҳасад ўрнашиб олади.

* * *

Одамни одам енголмайди, балки одамни одамларга нисбатан меҳрсизлиги абгор қилади.

* * *

Агар одамлар ўзларида бир-бирларига нисбатан меҳр нурини тарата билганларида эди, кўплаб бедаво дардлар номи луғатимизга кирмаган бўларди.

* * *

Америка адиби Ог. Мандинонинг бир шеърдан таъсирланган хусусида ўқидим ва ўша шеърни мен ҳам ўқиб даҳшатга тушдим.

Шеърнинг мазмуни шундай: "Тақачида мих йўқ эди. Тақани қоқмади. Тақасиз от қийналди — йиқилди. Натижада от устидаги чавандоз танг аҳволда қолди, яраланди... Чавандоз — қўмондоннинг ўлганини билган қўшин саросимага тушди. Душманнинг қўли баланд келди, қўшинни тор-мор этди, шаҳарга бостириб кирди, халқни қийратди, халқни қул қилди...".

Мана сенга арзимас туюлган ўша михнинг нечоғли катта аҳамиятга эга экани, мана сенга тақачининг лозимлиги.

* * *

Сўз — тирик... Сўзнинг ҳам жони бўлади. Истеъдодсиз ёзувчи ёки нўноқ шоир тирик сўзни ўлдиради. Маҳаллийчи, тарафкаш мунаққид адабиётни олди-сотди корхонасига айлантириб, саёз асарларни кўкка кўтаради.

ШЕЪРИЯТ

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

Шукроналик ҳикмати

Эҳтиёж, хоҳишнинг чеки йўқ, лекин —
Инсонга қаноат, шукронадир зеб.
Баъзи бировлар бор Оллоҳ нон берса,
Норози бўлади ош бермади, деб.

Олий ҳақиқатни англайсан аён,
Теран назар солсанг баланд-пастларга.
Ош насиб этмоғи даргумон,
Бироқ —
Нон ҳам татимайди ундай касларга.

Ҳаётдан миннатдор бўлмаслик нечун?
Яратган баридан огоҳ, кўради.
Яратган бергани — парча нон учун —
Шукр қилган зотга ош ҳам беради.

***

Дахли йўқ, майлига, ким нима деса,
Менинг чўнг хулосам шул эрур тамом:
Агар сўнгсиз борлиқ бир жаҳон эса
Навоий бир жаҳон,
Бобур бир жаҳон.

Ҳофиз кўра олган олам кўркини
Шероз гўзалининг доно холида.
Навоий эътиқод билган севгини
Фарҳод тимсолида,
Қайс тимсолида.

Темур даҳоси-ку қудратли, кенгдир,
Қадри, эътирофи тенгсиз, беқиёс...
Бас, улуғ аждодлар номин бирма-бир,
Санаб адо этиб бўлмаслиги рост.

Улуғлар мероси биз учун ҳикмат,
Биз учун ифтихор, йўл кўрсатган даст.
Яшасак бас, олиб улардан ибрат,
Уларга муносиб авлод бўлсак, бас!

***

Олтин йўлда ётар...
Уни кўрса ҳам,
Ақли қосир каслар фарқлашга ожиз.
Илғамас, ким эмас нигоҳи теран.
Ёки ким осмонга тикиб юрар кўз.

Одимлар кечади балким лой чаплаб,
Оёқлар остида, ботгани қумдир...
Уни бир кун албат олар авайлаб,
Олтиннинг қадрини билгувчи кимдир.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 17183 Буюртма — Г-126 123 5